

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Самарқанд давлат чет тиллар институти
Роман-герман филологияси факультети
Немис тили ва адабиёти кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 4 нем.
КБК 81.2 нем -2(-5)
К 13

Каддыров Эркин Иззатович

**Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларнинг
структуал ва маъно хусусиятлари**

**5A120102 Лингвистика (немис тили)
Магистр**

академик даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси

Илмий раҳбар: доц. М.Б.Бегматов

Кафедранинг 2015 йил 19 майда
бўлиб ўтган йиғилишининг
10- сонли баённомаси билан ҳимояга
тавсия этилди.

Кафедра мудири

доц.М.Бегматов

С а м а р қ а н д - 2015

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
Биринчи боб: Тилшуносликда иловали элементларнинг ўрганилиш тарихи ҳақида.....	11
1.1. Тилшунос олимларнинг илова ҳодисаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари.....	11
1.2. Немис тилшунослигида иловали элементларнинг ўрганилиши.....	15
I боб бўйича хулоса.....	28
Иккинчи боб: Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларнинг структурал ва маъно хусусиятлари.....	30
2.1. Тўғридан-тўғри генитив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар.....	30
2.2. Dativ-келишигини талаб қилувчи кўмакчилар ёрдамида ҳосил бўлган иловали элементлар.....	35
II боб бўйича хулоса.....	48
Учинчи боб: Аккузатив келишигида ифодаланган иловали элементлар..	51
3.1. Тўғридан-тўғри аккумулятив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар.....	51
3.2. Иловали элементларнинг матнда ифодаланиши.....	61
III боб бўйича хулоса.....	70
Умумий хулоса	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	76

КИРИШ

Стилистик назария тараққиётининг ҳозирги босқичида янги-янги тушунчалар пайдо бўлиб, у ёки бу илмий тадқиқот ишларининг текшириш объектига айланмоқда. Мураккаб синтактик бутунлик ва йирик синтактик бирликлар каби синтактик бирликлар ҳам худди ана шундай тушунчалардан ҳисобланади. Мураккаб синтактик бутунлик(илова қурилма) терминологик тушунчаси йирик синтактик бирликлар терминологик тушунчасига нисбатан қисман қулайроқ бўлганлиги, унинг лингвистик моҳияти биз танлаган мавзунинг лингвистик моҳиятига мос келганлигини ҳисобга олиб, бундан кейин ишимизда мураккаб синтактик бутунлик тушунчасини кўпроқ татбиқ қилишни асосий мақсад қилиб олдик. Чунки ҳозирги даврда жуда кўплаб тилшунослик фанларида мураккаб синтактик бутунлик стилистик ҳодиса сифатида кўплаб ишлатилмоқда ва унинг янги-янги номланувчи вариантлари юзага келаётганлигига гувоҳ бўламиз. Фикримизнинг исботи учун мураккаб синтактик бутунликка нисбатан рус тилида расмийлаштирилган қуйидаги терминологик тушунчаларни келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз: "Сложное синтаксическое целое", "сложные синтаксические комплексы", "сложное синтаксическое единство", "сверхфразовое единство", "прозаическая строфа", "крупный текст", "большое синтаксическое целое", "обширный синтаксический комплекс".

Демак, мураккаб синтактик бутунликка нисбатан қўлланилаётган бундай хилма-хил терминологик тушунчалар қандай аталишларидан қатъий назар, улар ягона лингвистик моҳиятга эга бўлади ва фақат шу стилистик ҳодиса учун хизмат қилади. Лекин, мураккаб синтактик бутунликнинг лингвистик моҳиятини изоҳлашда албатта уларнинг структуравий гуруҳларини ҳам эътиборга олиш айтишга аниқ муддао бўлади.

Мураккаб синтактик бутунлик тилда мавжуд бўлган синтактик бирликларнинг шундай бир кўринишики, унинг таркибига кирувчи содда ёки қўшма гаплар грамматик жиҳатдан мустақил бўлиб, ўзаро умумий мазмун томонидан боғланадилар. Бошқача қилиб айтганда, бундай мураккаб синтактик бутунликларда бир неча мустақил содда ёки қўшма гаплар ўртасида умумий алоқадорлик мавжуд бўлади. Мураккаб синтактик бутунликни ташқил этувчи компонентлар (гап бўлаклари, содда ва қўшма гаплар) ўртасида мавжуд бўлган мазмуний алоқадорлик маълум бир умумий предмет ёки ҳаракат-ҳолат асосида юзага чиқади. Бунда грамматик жиҳатдан мустақил гаплар бир-бири билан ҳаракат-ҳолат орқали боғлиқ бўлиб, конкретлаштириб келади. Баъзи ҳолларда уларнинг конкретлашган маъно хусусиятлари умумлаштирилиши ҳам мумкин. Мураккаб синтактик бутунликнинг структуравий ва маъно хусусиятларининг қандай бўлишлиги уларни ташқил қилувчи компонентларнинг грамматик жиҳатдан ифодаланишига ҳам боғлиқ бўлади. Шу орада бундай синтактик бирликларни ташқил этувчи ана шу компонентлар орасида мавжуд бўлган синтактик алоқаларнинг турини ва характерини ҳам эътиборга олмоқ зарур. Мураккаб синтактик бутунликнинг структуравий турларини ва хусусиятларини ўрганишга жуда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари, мақолалар бағишланган.

Ҳақиқатдан ҳам мураккаб синтактик бутунликни лингвистик моҳиятини тўғри ҳал қилиб бўлмайди. Ҳозиргача мавжуд бўлган ва ҳар хил тиллар материаллари асосида яратилган илмий тадқиқот ишларида мураккаб синтактик бутунликнинг барча структуравий хусусиятлари бир хил тўлалигича ва атрофлича ўрганилган деб хулоса чиқариш айтиш муддао бўлмайди, чунки бизга маълум бўлган ва мураккаб синтактик бутунликнинг структуравий хусусиятларини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқот ишларида ҳам бу мавзунинг айрим соҳалари

изланиш доирасидан ёки изланувчиларнинг диққат эътиборидан четда қолиб кетмокда.

Мавзунинг долзарблиги. Илова ҳодисаси ҳозирги кунгача канчалик ўрганилиш тарихига эга бўлмасин, у доимо ҳар қандай тилшунослик фани доирасида энг муҳим, кам ўрганилган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолаверади. Чунки илова ҳодисаси назариясининг тарафдорлари бу мавзуга кўпинча Ж. Б. Буроновнинг таъбири билан айтганда юзаки ёндашишга ҳаракат қилишадилар.¹ Бошқача қилиб айтганда, илова ҳодисасининг лингвистик моҳиятини, шунингдек у билан боғлиқ бўлган кўпгина хусусиятларни (структуравий, маъновий, типологик, фонетик ва бошқалар) грамматика фани нуқтаи назаридан ечишга ҳаракат қилишадияю, бироқ унга боғлиқ бўлган бундай хусусиятларни матн нуқтаи назаридан талқин этишмайди. Натижада илова ҳодисасининг кўп томонлари изланиш доирасидан четда қолгандай туюлади. Баъзи ҳолларда илова ҳодисанинг семантик, услубий ва бошқа хусусиятлари алоҳида ўрганилади, лекин уларнинг ана шундай хусусиятлари билан бевосита боғлиқ бўлган ички қонуниятлари изланиш рамакасидан четда қолаверади. Демак, илова ҳодисасини ўрганишга нисбатан бўлган бундай муносабат кутилган натижага олиб келмайди .

Шунинг учун ҳам биз ушбу диссертация ишида илова ҳодисасини ўрганиш доирасида предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга, у ҳодиса билан бевосита боғлиқ бўлган ташқи ва ички қонуниятларни параллел ўрганишга ҳаракат қилдик. Илова ҳодисасини бундай тартибда ўрганиш, биринчидан, иш ҳажмида кутилган натижаларга олиб келиши ва иккинчидан, эса илова ҳодисасини доимо долзарб ҳодисалардан бири эканлигини яна бир бор таъкидлаши мумкин.

¹ Бўронов Ж. Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1973. -284 б.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси.

Тилшуносликда предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлар нисбатан кам ўрганилган бўлиб, бу соҳадаги ишлар айрим илмий мақолалар шаклида эълон қилинган, санокли номзодлик диссертацияларининг маълум қисмлари кўринишида тадқиқ қилинган. Кейинги йилларда мазкур мавзу бўйича йирик илмий тадқиқот ишлари олиб бориш бўйича маълум даражадаги изланишлар амалга оширилмоқда.

Тадқиқотнинг объекти. Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар.

Тадқиқотнинг предмети. Немис тилидаги предлоглар ва илова конструкцияси.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.

Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар томонидан маълум бўлакка ёки бутун гап мазмуни билдириб келаётган синтактик, семантик ва стилистик функцияларини таҳлил қилиш куйидаги муҳим вазифаларни бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди:

Илова ҳодисаси мураккаб гап синтаксисининг предметларидан бири эканлиги.

Илова ҳодисаси тўғрисида мавжуд бўлган тилшунос олимлар фикр-мулоҳазаларини ўрганиш.

Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларнинг грамматик ифодаланиш усулларини таҳлил қилиш.

Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар билан маълум бўлақлар орасидаги синтактик, семантик муносабатларни таҳлил қилиш.

Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар билан маълум бўлақлар ўртасидаги синтактик алоқа воситаларини аниқлаш.

Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларнинг маълум гап бўлаklarига нисбатан тутган позицияларини ва бирикиш усулларини аниқлаш.

Иловали элементларнинг бошқа синтактик конструкциялар билан, жумладан иловали унсурлар ва эллипсис билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш.

Иловали элементларнинг маълум бўлаklarга нисбатан якка ва кенгайтирилган ҳолатларда қўлланилишини аниқлаш.

Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларнинг худди шундай бўлаklarга ўхшашлиги ва улардан фарқ қилдирувчи омилларни исбатлаб бериш.

Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар муҳим услуб воситаларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш.

Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларнинг матн доирасида ёйилиш даражасини кўрсатувчи статистик маълумотлар яратиш ва бошқалар.

Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни иш давомида тўлиғича ёритиб борамиз.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ҳар қандай илмий тадқиқот изланиши, у қандай мавзуга боғлиқ бўлишидан катъий назар, маълум даражада янгиликка эга бўлиши мумкин. Чунки бирон-бир ҳодиса устида олиб борилган изланиш жараёнида маълум бўлган фикр ва мулоҳазалар асосида маълум бўлмаган, Бошқача қилиб айтганда, ечилмаган, аниқланмаган хулосалар яратилиши мумкин. Шу сабабли предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга, у ҳодиса билан бевосита боғлиқ бўлган ташқи ва ички қонуниятларни параллел ўрганишга ҳаракат қилдик. Диссертация иши ҳажмида предлоглар орқали ифодаланган иловали

элементлар намунасида таҳлил қилинмоқда. Иловали элементларнинг ўзига хос хусусиятларини бундай тартибда таҳлил қилиш асосида юзага келаётган хулосалар, биринчидан илова ҳодисаси тўғрисида мавжуд бўлган назарияни бойитиб, тўлдириб келиши ва иккинчидан, янги изланишлар учун текшириш объектини яратиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти.

Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларнинг таҳлили натижасида юзага келган хулосалар назарий грамматика, стилистика ва таржима назарияси фанларининг тегишли бўлимларини бойитишда, тўлдиришда хизмат қилади. Шунингдек, илова ҳодисасини бошқа стилистик ҳодисаларга, жумладан, илова ҳодисасига, эллипсисга қиёс қилиб ўзаро мантиқий боғлиқликда ўрганиш учун назарий асос бўлади. Немис тилига оид грамматика дарсликларида содда ва қўшма гаплар синтаксиси билан бир қаторда мураккаб гап синтаксиси ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишлиги учун замин яратади. Қисқаси, герман тиллари синтаксисини назарий билимлар билан бойитишда асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади, чунки мураккаб гап синтаксиси унсурлари бир вақтнинг ўзида ҳам содда гап синтаксиси таркибида ҳам қўшма гап синтаксиси таркибида учраши мумкин. Натижада синтаксиснинг учала бўлимининг мантиқий боғлиқлигини ифодаловчи назарий қарашлар юзага келади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертация ишида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан олийгоҳлар ва филология факультетлари учун мўлжалланган ўқув ва услубий қўлланмалар, методик кўрсатмалар, танланган мавзу асосида ўқиладиган махсус курслар учун машқлар тўплами тўзишда кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертация ишида баён қилинган хулосалар немис тили бўйича амалий дарсларда, таҳлил, уйда ўқиш дарсларида, стилистика

фани бўйича ўтказилаётган семинар машғулотларида, таржима амалиётида кенг қўлҳамда қўлланилиши мумкин. Ишнинг натижалари таржима санъатида, жумладан бирон-бир асарни немис тилидан ўзбек тилига ағдаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Келтирилган хулосаларга таянган ҳолда, шу мавзу бўйича машқлар тўплами тўзиш ва ниҳоят мактаб ҳамда олийгоҳларда ёзма ишлар ўтказиш бўйича махсус методик кўрсатмалар яратиш мумкин. Умуман олганда, ишнинг натижалари айрим грамматик ҳодисаларга изоҳ беришда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ишнинг яратилишида илова ҳодисаси доирасида мавжуд бўлган барча назарий концепциялар методик асос бўлиб хизмат қилди. Иш жараёнида қуйидаги: структуравий, маъновий, статистик ва баъзи ҳолларда трансформация методларидан фойдаланилди.

Тадқиқот методи. Диссертация ишини ёзиш жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланилди:

тавсифий таҳлил (изланиш мавзуси бўйича лингвистик адабиётни ўрганиш асосидаги таҳлили ва синтези);

синтактик, семантик;

контекстуал-вазоят ва матн таҳлили;

трансформацион таҳлил (баъзи ҳолларда мураккаб гапни содда гап шаклига келтиришда);

Тадқиқотнинг ишончлилиқ натижаси энг мақбул илмий изланиш асослари назарий конструкцияларни тузишнинг самарали усуллари ёрдамида олиб борилган бўлиб, ҳозирги замон немис адабий тилида, аниқроғи немис тили синтаксиси соҳасида илова ҳодисаси тўғрисида мавжуд бўлган маълумотларни конкретлаштириш, ривожлантириш, тўлдириш, кенгайтириш ва бойитишдан иборат.

Илова ҳодисасининг замонавий тилшунослик тизимида комплекс тавсифи тадқиқот объектини ташкил қилади.

Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларга хос бўлган хусусиятларнинг таҳлили ва унинг ҳозирги замон немис тили грамматик ҳодисалари билан ўзаро боғлиқлиги илмий ишнинг предметиدير.

Магистрлик диссертациясининг структураси. Магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

I боб: Тилшуносликда иловали элементларнинг ўрганилиш тарихи ҳақида

1.1. Тилшунос олимларнинг илова ҳодисаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари

Илова қурилма ва унинг ажралмас қисми бўлмиш иловали элементларни гапнинг актуал бўлиниши назарияси нуқтаи назаридан ўрганиш бу соҳада таъкидланган фикр ва мулоҳазаларга амалий жавоб бўлади. Чунки иловали элементларни гапларнинг актуал бўлиниши компонентлари, аниқроғи рема функциясида ўрганиш ўзининг маълум бир тарихига эга. Бу ўринда М.Е.Шафиронинг "Соотнесенность присоединенного компонента с компонентами актуального членения преддмдушего предложения" номли илмий мақоласида келтирилган айрим фикрларни баён этамиз. М.Е.Шафиро чех тилшунос олими В.Матезиус томонидан таклиф қилинган "гапнинг актуал бўлиниши" терминини рус тилшунослигида тадбиқ қилиб, унинг лингвистик моҳиятини кенгайтиради, яъни унинг компонентлари бўлмиш "тема" билан "рема"ни ягона гап доирасида эмас, балки мураккаб синтактик бутунлик доирасида тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Шу сабабли М.Е.Шафиронинг "Иловали компонентнинг гапнинг актуал бўлиниши компонентларига муносабати мавзусида" деб номланган ва юқорида қайд қилинган илмий мақоласи юзага келди. Ушбу мақолада илова қурилма табиатига мос келган бир қатор мисоллар таҳлил қилинади ва иловали элементнинг рематик функцияси изоҳлаб берилади. Шу мисоллардан баъзи бирларини намуна сифатида келтирамиз:

- 1) "-Письмо надо передать. От соседа по госпиталю. Его жене.
- 2) "Без пистолета тебе плохо...-А у меня есть пистолет. Итальянский. И две обоймы Полные".

Бу мисолларнинг таҳлилига ўтишдан аввал Г.Н.Рыбакованинг куйидаги фикрларини келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз: "Эргашган кўшма гапларнинг грамматик бўлиниш чегараси гапнинг актуал бўлиниш чегарасига ҳамма вақт ҳам мос келавермайди". Г.Н.Рыбакова томонидан олга сурилган бу фикр шу таҳлил қилинаётган мисоллар мазмунига ҳам алоқадордир. Чунки таҳлил қилинаётган ушбу мисоллар таркибида "ажралиш", "бўлиниш" содир бўлаяпти, бу бўлиниш гапнинг актуал бўлиниши ҳам деб юритилиши мумкин. Ана шундай актуал бўлиниш натижасида илова қурилма ҳодисаси содир бўлади ва бу қурилманинг структурасини ташқиқ этувчи асосий ифода ва иловали элемент ҳам юзага келади. Ушбу жараёнда содир бўлаётган иловали элементлар гапнинг актуал бўлиниши назарияси; жиҳатидан "рема" ёки "ремастик" бирликлар ҳам деб аталиши мумкин. Таҳлил қилинаётган бундай илова қурилма асосий ифода ва уларга ҳар-хил йўллар билан бирикиб келувчи иккита ва учта иловали элементлардаи ташкил топган.

№ 1- рақамли мисолда келтирилган илова қурилма таркибида иловали элементлар асосий ифодага параллел равишда бириккан. № 2- рақамли мисолда эса биз икки хил муносабатга дуч келамиз, бу ерда биринчи ва иккинчи иловали элементлар асосий ифодага, аниқроғи "пистолет" компонентига параллел бирикиб келса, учинчи иловали элемент эса иккинчи иловали элементга кетма-кет бириккан, сабаб учинчи иловали элемент функциясида келувчи "полные" аниқловчиси фақатгина иккинчи иловали элемент, яъни "и две обоймы" талаби билан вужудга келган. Гапларнинг актуал бўлиниши назарияси нуқтаи назаридан № 1-2- рақамли мисолларда келтирилган илова қурилмаларнинг биринчи қисмини "тема" ва иккинчи қисмларини "ремалар" деб номлаш мақсадга мувофиқ. Демак, илова ҳодисаси атрофида юзага келаётган "илова қурилма " иловали алоқа", "иловали муносабат", "иловали элемент", "иловали

қисм", "асосий ифода", "асосий қисм", "иловали алоқаларга асосланган мураккаб синтактик бутунликлар" каби терминологик тушунчалар, "тема" ва "рема", "тил материалларини тежаш", "соф" ва "соф бўлмаган" каби бир қатор тушунчалар билан бойиб бориб, илова қурилма тўғрисидаги билимларимизни янада чуқурлаштиради, кенгайтиради, натижада пайдо бўлаётган бундай муаммолар янги изланишлар учун тадқиқот объектига айланиб бораверади. Илова ҳодисасига нисбатан илмий тадқиқот ишларида қўлланилаётган хилма-хил терминологик тушунчалар бу мавзунинг ниҳоят даражада долзарб муаммолардан бири эканлигини таъкидламоқда. Илова ҳодисаси доирасида содир бўлаётган бундай тушунчалар илова қурилма ҳодисасининг янги-янги томонларини ўрганишга, очишга, шунингдек илова ҳодисаси атрофида мавжуд бўлган ҳар қандай бахсли, жумбоқли муаммоларни ижобий ечишда бизга яқиндан ёрдам беради деб таъкидлайди Б.Т. Турсунов.

Илова ҳодисаси доирасида айтилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, биз илмий тадқиқот ишимизда анъанавий характерга эга бўлган у ёки бу тадқиқот ишларида доимо тадбиқ қилиниб келаётган ва ниҳоят ишимизнинг мавзусига монанд бўлган терминологик тушунчалардан фойдаланган ҳолда иш тутамиз. Мақсадимиз биз танлаган мавзуга нисбатан қанақа терминологик тушунчалардан фойдаланиш эмас, балки бу терминологик тушунчаларнинг лингвистик моҳиятини тўғри аниқлай олиш ва уни кўзланган мақсадга тўғри йўналтира олишдан иборатдир. Баъзи ҳолларда биз танлаган мавзу китобхонга танишдек, худди такрорланаётган мавзудек туюлиши мумкин. Аксинча, ундай эмас. Илова ҳодисаси қарийб юз эллик йилдан кўпроқ вақтдан бери ўрганилиб келинаётган бўлса ҳам, бироқ ҳозирги кунгача биронта ҳам тилда тўлиғича ўрганилмаган. Ҳатто, илова қурилманинг энг содда ҳисобланган

структуравий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлган илмий манбаларга кўра атрофлича ўрганилмаган.

Баъзи ҳолларда бир диссертация доирасида илова ҳодисанинг бир катор структуравий хусусиятларини талқин қилишга ҳаракат қилинади, натижада юзага келган хулосалар юзаки бўлиб қолади. Фикримизнинг исботи учун қуйидаги мисолни келтирамиз :

1. " - Унда сизлар поликлиникага ўтиб бораверасизлар. Бош врачга кирасизлар. Соатов. Яхши одам. Хозир ўзида. Яқинда гаплашувдик".

Муаллифнинг фикрича, етакчи гапга (яъни бизнинг тушунчамиз бўйича асосий ифодага) битта парцеллят ва учта илова қурилма бирикиб келган. Муаллиф "Соатов" сўзи учун парцеллят, қолган компонентлар учун иловали қурилма тушунчаларни қўллаган, лекин уларнинг бир-бирларидан фарқ қилиш омиллари кўрсатилмаган. Сабаб-у бу соҳада мавжуд бўлган баъзи илмий изланишларнинг хулосалари билан яқиндан таниш бўлмаган. Натижада бир хил лингвистик моҳиятга эга бўлган парцелляция ҳодисаси билан илова ҳодисасини бир-биридан ажратишга ҳаракат қилинган. Умуман олганда парцелляция ва илова ягона лингвистик ҳодисадир. Уларнинг ягона синтактик ва стилистик ҳодиса эканлиги Б. Т. Турсуновнинг "Дискуссия вокруг проблем присоединения и парцелляции" номли мақоласида атрофлича ўз аксини топган. Худди шундай хулоса В. Г. Гакнинг "Теоретическая грамматика французского языка" номли монографиясида ҳам келтирилган. Фикримизнинг исботи учун В. Г. Гакнинг қуйидаги мулоҳазасини келтирамиз: "Парцелляция бу асимметрия ҳодисасининг асл кўринишидир, бунда тобе компонентлар узук-узук гап бўлаклари шаклида расмийлашади. Парцелляциянинг (бизнинг тушунчамизда иловали элементларнинг) маъно хусусияти "қўшимча" моҳиятга эга. Иловали элементлар асосий фикр айтилгандан сўнг юзага келади".

1.2. Немис тилшунослигида иловали элементларнинг ўрганилиши

Илова ҳодисаси атрофида содир бўлаётган камчиликларни кўпчилик муаллифларнинг илмий ишлари ҳажмида ҳам учратиш мумкин. Масалан: С.С. Одинцова 1992 йилда «Семантика синтаксиса присоединения в современном немецком языке» деб номланувчи ўқув қўлланмасини чоп қилди. Бу қўлланмада таҳлил қилинган мисоллардан қарийиб 70 фоизи илова қоидасига тўғри келмайди, яъни бу синтактик бирликлар илова қурилмалар эмас. Фикримизнинг исботи учун ана шу қўлланмадан баъзи бир мисолларни намойиш этишни лозим деб топдик.

1. «Naturen wie Adrian haben nicht viel» *Seele. Es ist eine Tatsache, ... daß die stolzeste Geistigkeit dem Tierischen... am aller schöndesten preisgegeben ist; und das ist der Grund für die sorgende Apprehension, die... eine Natur wie Adrians auszustellen hat, -es ist auch der Grund, weshalb ich das verdammte Abenteuer... als etwas... Symbolisches empfand.*

2. «Er selber, König Heinrich, legte größtes Gewicht auf modisches Auftreten; doch der Luxemburger - es war nicht zu bestreiten - war ihm über.

Бундай мисоллар ушбу қўлланма ҳажмида жуда кўплаб учрайди. Чунки бу мисоллар илова ҳодисаси қоидаларига мос келмайди Шунинг учун бундай синтактик бирликларни илова қурилма рамкасида таҳлил қилиш илова назариясининг бирон бир хусусиятларига тўғри келмайди. Демак, муаллиф илова ҳодисасига бағишланган барча назарий манбалар билан тўлиғича таниша олмаган. Шу сабаблар туфайли бундай хатоларга йул қўйилган. Умуман олганда, илова ҳодисасининг лингвистик

моҳиятини тўғри тушуниш учун бу соҳада кўп ва ҳар-хил тилларда чоп қилинган илмий ишлар билан яқиндан танишиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шундагина илова ҳодисасини ёки у билан бевосита боғлиқ бўлган илова назариясининг лингвистик моҳиятини тўғри тушуниш мумкин.

Илова ҳодисасини ёки илова назариясини ўрганишга нисбатан бундай муносабатлар бизга илова ҳодисаси билан парцелляция ҳодисаси ягона синтактик категория эканлигидан маълумот беради. Шундан сўнг бу иккала синтактик ҳодисани биз ягона лингвистик моҳиятга эга бўлган ҳодисалар деб талқин қила олиш ҳуқуқига эга бўламиз.

Кейинги вақтларда илова ҳодисасини ўрганишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Натижада илмий изланишларнинг текшириш объекти қилиб илова қурилманинг алоҳида-алоҳида структуравий гуруҳлари танланди. Илмий изланишларга нисбатдан қўлланган бундай методлар ижобий натижага олиб келди. Шу асосда олиб борилган баъзи бир илмий изланишлардан намуна келтирамиз: Г. Н. Рыбакова рус тили материаллари асосида эргашган қўшма гап ёрдамида ифодаланган иловали элементларнинг структуравий ва маъно хусусиятларини таҳлил қилиб қуйидагича хулосага келган: илова ҳодисасининг юзага келишидаги қулайликлар қуйидагилардан иборат :

а) асосий ифода таркибида иловали элементга ўхшаш эргаш гап келса;

б) иловали элемент функциясида келувчи эргаш гап асосий ифодага нисбатан изоҳлаш конкретлаштириш мазмунига эга бўлса;

в) иловали элемент функциясида келувчи эргаш гап асосий ифодадаги бирон-бир компонентга боғлиқ бўлса, яъни - "Местные женщины! всегда кладут цветы на могилы приезжих. Особенно те, что сами ходят в черном". каби структуравий гуруҳлари. Ж. Е. Петрашевская илова ҳодисасини инглиз тилида келтирилган содда гап структураси орқали

таҳлил қилган. Илова қурилманинг структуравий гуруҳларини бу тартибда ўрганишга ва таҳлил қилишга жуда кўплаб илмий мақолалар, монографик асарлар, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар бағишланган.

Бу илмий ишларда илова қурилма парининг структуравий, маъновий, стилистик, типологик, фразеологик, фонетик ва бошқа хусусиятлари тўғрисида чуқур илмий фикр ва мулоҳазалар келтирилади. Ушбу мавзуда ҳозирги кунгача бирон-бир катта ҳажмда иш қилинмаган, бироқ уларнинг айрим структуравий гуруҳлари тўғрисида баъзи бир чоп қилинган мақолаларда айрим мулоҳазалар борлигига дуч келамиз. Уларда тўлдирувчилар билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг структуравий хусусиятлари тўғрисида гап юритилади, лекин иловали элеменларнинг структуравий хусусиятлари билан бевосита боғлиқ бўлган "рематик", "соф" ва "соф бўлмаган", "био - ва полифункционаллик", "тежаш" ва бошқа функцияларга. ҳозирги кунгача ўз таҳлилига эга эмас, бўлса ҳам улар жуда юзаки қаралган.

Масалан И.Расулов рус тилшунослигида бу соҳада тўпланган бой тажрибаларга таянган ҳолда ҳозирги замон ўзбек адабий тилида мураккаб синтактик бутунликни ҳам назарий, ҳам амалий ўрганиб, унинг куйидаги структуравий турларини изоҳлаб берган:

1) "тизма боғланишга асосланган мураккаб синтактик бутунлик ва

2) параллел боғланишга асосланган мураккаб синтактик бутунлик".

Тизма ва параллел боғланишли мураккаб синтактик бутунликнинг структуравий хусусиятларини изоҳлаб беришда И. Расулов бу иккала гуруҳларнинг бир-бирларидан ўзаро фарқ қилувчи омилларини куйидаги мисоллар таҳлилида кўрсатиб беришга ҳаракат қилган:

1) "Зулфия ўқувчи; ўрик гуллади"

2) "Унинг сайрашидан ҳеч ким маъно топмас, у учиб юрган қушларнинг бир тури бўлиб қола берарди".

Муаллифнинг мулоҳазаларига кўра ушбу таҳлил қилинган мисоллардан биринчиси тизма ва иккинчиси эса параллел боғланишга асосланган мураккаб синтактик бутунликдир. Тизма боғланишли мураккаб синтактик бутунлик бу ерда кесимнинг такрорланиши билан ифодаланса, параллел боғланишли мураккаб синтактик бутунлик эса барча бўлакларни бир хил формада келиши билан ифодаланади. Бироқ, мураккаб синтактик бутунлик структуравий гуруҳларининг бундай усул ёрдамида бир-бирларидан фарқ қилиш анча кийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунинг учун ҳам, уларнинг структуравий гуруҳларини бир-биридан ажратишда қўлланадиган қулайроқ принципларга, бошқачароқ қилиб айтганда, усулларга таянмоқ лозим. Бу соҳада рус тилшунослигида қўлга киритилган бой тажрибалардан фойдаланиш анча ўринли бўлади. Чунки рус тилшунослигида мураккаб синтактик бутунлик мавзусида диққатга сазовор бўладиган илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Ана шулар орасида Г.Я. Солганикнинг "Синтаксическая стилистика" монографик асари синтактик бутунликнинг фақат тизма ва параллел боғланишли структуравий гуруҳлари тўғрисида мулоҳаза юритибгина қолмасдан, балки бизнинг илмий изланишларимизнинг мавзуси билан бевосита боғлиқ бўлган структуравий гуруҳлари ҳақида ҳам алоҳида фикр юритган. Муаллиф бу ерда мураккаб синтактик бутунлик структуравий гуруҳларининг бир бирига ўхшашлик томонларини курсатиш билан бирга уларнинг бир-бирларидан фарқ қилувчи омиллари тўғрисида ҳам қуйидагича фикр мулоҳазалар билдирган. Муаллиф томонидан мураккаб синтактик бутунликнинг структуравий гуруҳларга нисбатан қўлланилган принципларни қуйида баён қилинган мисоллар намунасида изоҳлашга ҳаракат қиламиз: "Физика есть наука. Многие интересуются физикой".

Бу мисолда тизма боғланишли мураккаб синтактик бутунлик берилган. Ушбу мисол таҳлили асосида муаллиф куйидаги хулосага келади: "тизма боғланишли мураккаб синтактик бутунлик биринчи гапнинг эгасини кесим функциясида, ёки аксинча кесимнинг эга функциясида келишлиги билан характерланади". Бироқ, мураккаб синтактик бутунлик таркибида содир бўладиган бундай ўзгаришлар кенгрок характерга эга бўлиши ҳам мумкин. Энди таҳлил қилинаётган асардан келтирилган мисоллар намунасида параллел боғланишли мураккаб синтактик бутунликнинг структуравий хусусиятини кўриб чиқайлик:

1."Москва расположена восточнее Смоленска. Москва находится в центре европейской части России" (64, с.26).

Демак, параллел боғланишли мураккаб синтактик бутунликнинг структуравий хусусиятини белгиловчи омил бу "субъект+субъект", "предикат+предикатдир". Бошқача қилиб айтганда, параллел боғланишли мураккаб синтактик бутунликнинг структуравий хусусияти биринчи гапда эга ва кесим функциясида келувчи компонентларнинг уни ташкил этувчи колган гапларда ҳам худди шундай функцияда келишлиги билан характерланади, холос. Ана шундагина мураккаб синтактик бутунликнинг хар бир структуравий гуруҳлари ўзларига хос бўлган хусусиятларини сақлаб қоладилар ва алоҳида олинган илмий тадқиқот ишларининг объектларига айланишлари мумкин.

Мураккаб синтактик бутунликни структуравий гуруҳларга ажратишда Г.Я. Солганиқ томонидан тадбиқ қилинган, бундай принципларни у ёки бу тиллар материаллари доирасида олиб борилаётган тадқиқот изланишларида тадбиқ қилинса, анчагина қулайликларни

туғдириши мумкин. Чунки, муаллиф ўзининг монографиясида мураккаб синтактик бутунликнинг тизма ва параллел боғланишларга асосланган структуравий гуруҳларни таҳлил қилиш билан бир қаторда, мураккаб синтактик бутунликнинг учинчи структуравий гуруҳини ҳам таҳлил қилган. Мураккаб синтактик бутунликнинг бу структуравий гуруҳи иловали алоқаларга асосланган ва улар илова қурилмалар деб юритилади. Шу сабабли тилшуносликда мураккаб синтактик бутунликнинг бундай структуравий гуруҳи ё илова қурилма , ё илова алоқаларига асосланган мураккаб синтактик бутунлик деб номланади. Фикримизни исботи сифатида қуйидаги мисолнинг таҳлиliga ўтамиз:

1. "И еще отмечали в доме Кругловых День танкиста. Каждый год. И весьма торжественно".

Иловали боғланишларга асосланган бу мураккаб синтактик бутунлик ўзининг структуравий шаклланиши билан тизма ва параллел мураккаб синтактик бутунликдан фарқ қилади. Бу фарқ энг аввало асосий ифодага бирикиб келувчи иловали элементларнинг интонацион тугалликка эга бўлишлиги билан ҳарактерланади ва ёзма нутқда "нуқта" тиниш белгиси қўйиш билан ифодаланади. Бундай илова қурилма компонентлари орасида "нуқта" тиниш белгисининг ишлатилиши, биринчидан асосий ифода функциясида келувчи гапнинг грамматик жиҳатдан мустақиллигини кўрсатса, иккинчидан унга бирикиб келган иловали элементларнинг ҳам структурал, ва ҳам интонацион жиҳатдан мустақил компонент эмаслигини кўрсатади, чунки улар ана шу асосий ифода туфайли унинг маъносини тўлдириш, конкретлаштириш, изоҳлаш мақсадида намоён бўлади. Контекстдан ажратиб олинган гап грамматик мустақилликни сақласа ҳам контекстдаги бошқа гаплар билан боғлиқ

бўлган фикрий тугаллигини йўкотади. Илова қурилма эса ўз навбатида боғланишли нутқ жараёнида фикрий тугалликни сақлаш ва уни юзага келтириш учун хизмат қилади. Чунки, у тузилиши жиҳатдан икки ёки ундан ортиқ коммуникатив нутқ бирликларидан иборат бўлади. Коммуникатив нутқ бирликлари илова қурилмани ёки иловали муносабатларга асосланган мураккаб синтактик бутунликни ҳосил бўлишида бевосита иштирок этадилар. Фикримизнинг далили учун баъзи бир илмий изланишларнинг хулосаларидан намуна келтирамиз. А.А. Андриевская ҳозирги замон француз тили материаллари асосида илова қурилма ни таҳлил қилиб, бундай илова қурилмалар мураккаб синтактик бутунликнинг ўзгинаси деб таъкидлайди ва унинг коммуникатив нутқ бирликларига нисбатан Ш. Балли томонидан олга сурилган "тема" ва "рема" тушунчаларини қўллайди. Шу асосда илова қурилманинг биринчи компоненти, яъни асосий ифода "тема" тушунчаси билан, иккинчи компоненти, яъни иловали элемент "рема" ёки "рематик" тушунча билан белгиланади. Тема бу ерда ҳаракатнинг бошланиши деб тушунилади, рема эса унинг ривожланиши, конкретлашувидир. Бу иккала тушунчанинг илова алоқаларига асосланган мураккаб синтактик бутунлик компонентларига нисбатан қўлланиши иловали элементнинг яна бир хусусиятини очиб беришга сабаб бўлади.

А.А. Андриевская тилшуносликда мавжуд бўлган "тема" ва "рема" тушунчаларидан фойдаланиб, асосий ифодага нисбатан "тема", иловали элементга нисбатан "рема" тушунчасини қўллайди.

Бу билан илова қурилмалар табиатида хос бўлган яна бир хусусиятини изоҳлашга замин тайёрлайди. Бу ҳол иловали элементларнинг гапнинг актуал бўлинишидаги компонентларига нисбатан бўлган муносабатини аниқлаш билан характерланади. А.А.Андриевскаянинг бу мулоҳазалари йирик тилшунос олим

Е.А.Реферовскаянинг "Лингвистические исследования структурн текста" номли монографик асарида ҳам қайд қилинади. Е.А.Реферовская иловали элементларнинг рематик компонентлар функциясида келишини қуйидагича изоҳлаган: "умуман олганда, гапларнинг актуал бўлиниши назарияси нуқтаи назаридан иловали элементларнинг ўзи бу рематик компонентларнинг ўзгинасидир, чунки улар мавжуд бўлган етакчи гапларга нисбатан "қўшимча" компонент сифатида юзага келади".

Хақиқатдан ҳам иловали қурилмага ёки унинг ажралмас қисми бўлмиш иловали элементларга нисбатан берилган бундай баҳолар бу ҳодисанинг ниҳоятда долзарб эканлигидан, унинг ўрганилиш и тарихи узоқ бўлишидан катъий назар, ҳали ҳам мукамал, ҳар томонлама тўла ўрганилмаганлигидан далолат бериб туради. Шунинг учун ҳам Б.Т.Турсунов ўзининг докторлик диссертациясида илова ҳодисаси бу бир универсал типологик лингвистик ҳодисадир, уни таҳлил қилаверсанг, янги-янги томонлар кўз олдимизда намоён бўлаверади, бунинг манбаи биринчидан, тилшунос олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари бўлса, иккинчидан эса ҳар-хил функционал услубни ўзида мужассамлантира оладиган немис ёзувчиларининг бадиий, прозаик-поэтик асарларидир дейди. Илова ҳодисаси тўғрисидаги бу мулоҳазалар Ж.Б.Бурононнинг гапларнинг "ички" ва "юзаки" концепциясини ҳам эслатади. Чунки Ж.Б.Буронов концепциясининг асосий лингвистик моҳияти бирон-бир тилга оид ҳодисани ўрганишда, унга фақат "юзаки" ёндашмасдан, яъни аниқланган, изоҳланган томонларни таҳлил қилибгина қолмасдан, балки унинг ички қонуниятларигача таянган ҳолда номаълум, хали ёритилмаган томонларини ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Илова ҳодисаси, айникса, унинг баъзи бир структуравий гуруҳлари ва функциялари атрофида мавжуд бўлган фикр ва мулоҳазаларни

эътиборга олган ҳолда Магистрлик ишмизнинг олдига қўйилган мақсад ва вазифаларини қуйидагича белгилашимиз мумкин:

1) предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг синтактик ва семантик хусусиятлари;

2) предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг синтактик функцияси нуктаи назаридан классификация килиниши;

3) илова алоқаларига асосланган мураккаб синтактик бутунликнинг компонентлари уртасидаги синтактик алоқалар, уларнинг турлари;

4) предлоглар ёрдамида ифодаланиб келаётган иловали элементларнинг ўзига хос хусусиятлари;

5) иловали элементларнинг асосий ифодага нисбатан бирикиб келиш усуллари;

6) иловали элеменларнинг структура ва маъно томонидан кенгайиш усуллари;

7) "соф" ва "соф бўлмаган" иловали элеменларнинг лингвистик моҳияти.

8) иловали элементларга хос бўлган рематик функцияни тема функциясига айланиши;

9) иловали қурилма нинг мураккаблашиш хусусиятлари;

10) иловали элементларнинг био-ва полифункционаллиги;

11) иловали элементларнинг синтактик функциялари жиҳатдан ёйилиш даражаси.

12) узлуксиз ёки давомли ҳарактерга эга бўлган иловали элементлар
Диссертация ишимиз олдига қўйилган бундай вазифалар унинг қуйидаги боб ва қисмларида ўз ечимига эга бўлади.

Тўғридан-тўғри датив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар ҳам худди аккумулятив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлардек ўзининг мазмуни, мантикий урғуси, оҳанги ва тўхтамига эга бўлади. Иловали элементнинг оҳанги оддий гап бўлақларнинг оҳангига ўхшамайди, иловали элемент алоҳида пасайган (баъзан кўтарилган) оҳанг билан талаффуз этилади. Одатда, иловали элементдан олдин келган изоҳланаётган сўз ва сўз бирикмаларида оҳанг кўтарилади, иловали элементда пасаяди, чунки у постпозиция ҳолатида туради. Иловали элемент ўзига хос семантик функцияни бажаради. Бу функция шундан иборатки, ажратиш орқали маълум бўлақнинг маъноси бўрттириб кўрсатилади. Иловали элементнинг маъно хусусияти бу билан чекланмайди, иловали элемент орқали, бошқа қўшимча маънолар ҳам ифодаланади. Иловали элементлар томонидан билдирилаётган қўшимча маънолар ўз навбатида маъновий нозикликларни ҳам ифодалайди. Демак, ажратиш ҳодисаси туфайли иловали элементларга хос бўлган энг муҳим хусусият, бу улар томонидан ифодаланаётган қўшимча маънодир. Иловали элементлар билан маълум бўлақлар ўртасида синтактик алоқалар ҳам мавжуд.

Энди ажратилган гап бўлақларига хос бўлган бундай хусусиятларнинг ифодаланиш усуллари датив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар намуналарида кўзатиб борамиз. Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги мисолларни бу ерда кўрсатиб ўтамиз.

1. Besonders übel spielte er dem Stadtrat Reitberger mit, einer populären Persönlichkeit.

2. Der alte Schnellhammer hatte die Werke seinen Kindern hinterlassen, zwei Söhnen und einer Tochter.

3. Nur zwei Menschen misstraute er nicht, seiner Pflegemutter und seinem Lehrer.

4. Er sollte der Gemeinschaft gehören, den Klubs, den Parteien, dem Sport (8, 93).

5. Das verdankte sie der schwedischen Luft, dem Sport und dem ständigen Frieden.

Энди 1,2,3,4,5-рақамли мисолларда кўрсатиб ўтилган датив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни изоҳлаб беришга ўтайлик. Уларга хос бўлган хусусиятлардан бири бу иловали элементларнинг ёлғиз ҳолда эмас, балки кенгайтирилган ҳолда келишидир. Уларнинг структуравий кенгайиши ҳам бир хил эмас. Масалан 1-рақамли мисолдаги иловали элемент аниқловчи ёрдамида кенгайтирилган бўлса, қолган рақамли мисолларда кўрсатиб ўтилган иловали элементларнинг кенгайиши гапнинг уюшиқ бўлаклари ҳисобидан кенгайтирилган. 2,3-рақамли мисолларда баён этилган иловали элементлар ўзларига хос баъзи бир хусусиятлари билан бошқа рақамли мисолларда келтирилган худди шундай иловали элементлардан фарқ қилади, бу фарқ иловали элементларни ташқил этувчи компонентларнинг бир-бирлари билан und боғловчиси билан боғланганлигидир. Иловали элементларни ташқил қилувчи компонентлар орасида und боғловчисининг келиши, ҳар бир компонентнинг ўзи ҳам алоҳида иловали элемент функциясида кела олишлигини таъкидламоқда. Худди шундай хусусиятга 4,5-рақамли мисолларда келган иловали элементларнинг компонентлари ҳам эга, чунки уларнинг ҳар бири ўз тўхтамига ва шу билан бирга оҳангига эга. Бундай хусусиятлар уларга ҳам алоҳида ажратилган гап бўлаги функциясида келишлари учун имконият яратади. Уларга хос бўлган яна бир хусусиятга тўхталамиз. Уларга хос бўлган бундай хусусиятни қуйидагича изоҳлаш мумкин. 1-рақамли мисолдаги иловали

элемент маълум бўлакка нисбатан маълум даражада нисбий мустақилликка эга бўлса, 2,3,4,5-рақамли мисолларда намойиш этилган иловали элементларга хос бўлган бундай мустақиллик яна ҳам бошқачароқ табиатга эга, у ҳам бўлса иловали элементлар ўзлари бевосита боғлиқ бўлган компонентга нисбатан нисбий мустақилликка эга бўлса, ана шу иловали элементларнинг ташқил этувчи компонентлари ҳам бир-бирларига нисбатан нисбий мустақилликка эга бўлишади, шунинг учун ҳам улар алоҳида-алоҳида иловали элемент функциясида кела олишлари мумкин. Бу ерда келтирилган иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири-бу иловали элементларнинг маълум бўлакларга нисбатан ёнма-ён (1,2,4,5) ва маълум масофада (3) туриши. Маълум бўлаклар билан иловали элементлар ўртасидаги синтактик алоқа кесимнинг умумийлиги билан ифодаланади. Иловали элементларнинг мазмуни орқали маълум бўлакларнинг мазмуни конкретлаштирилади, тўлдирилади, изоҳланади ва аниқланади. Бироқ 4-рақамли мисолда келтирилган иловали элементнинг мазмуни орқали маълум бўлакнинг мазмуни умумийлаштирилади.

Иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятлар қуйидаги мисоллар таҳлилида янада тўлдирилиши мумкин:

6. Unter seinem Blick dankte eine Frau im stillen ihrem Schneider für den guten Sitzt ihres Kleides, dem Friseur für den natürlichen Fall ihres Haars und der Kosmetikerin für den Tip eines dezenten Make-up.

7. Die Bank gehört nicht uns, sondern der kleinen Talk.

8. Sie gehören der Reedefirma Brookley, der Art Reederei von der Stange .

9. Dem größeren, einem stämmigen Burschen mit dunkeln Kinnbart, wäre Herbert am liebsten gefolgt.

10. Corinna ging, ähnlich dem Vater, von Auge und Hand aus.

11. Sie tragen nur den Vornamen, gleich dem König.

1,2,3,4,5-рақамли мисоллардаги иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни бу ерда такрорламасдан, уларни тўлдириш мақсадида 6,7,8,9,10,11-рақамли мисолларда намойиш этилган иловали элементларга хос хусусиятларни изоҳлашга ўтайлик. Ўз-ўзидан маълум бўлишича, ушбу ажратилган гап бўлаклари худди шундай ажратилган гап бўлақларига хос бўлган хусусиятлардан ташқари бошқачароқ хусусиятларга ҳам эга. Биз ана шу хусусиятларни алоҳида таъкидлаб ўтамиз. Бу хусусиятлар куйидагича: масалан, 6-рақамли мисолдаги иловали элемент ўзи бевосита боғлиқ бўлган компонентсиз юзага келган, унинг мазмуни алоҳида олинган компонентнинг мазмунини эмас, аксинча, бутун гапнинг мазмунини тўлдириб, конкретлаштириб келаяпти; ушбу иловали элемент 7,8,9,10,11-рақамли мисолларда баён қилинган худди шундай иловали элементлардан структурасининг кенгайиши жиҳатидан ҳам кескин фарқ қилади, сабаби унинг таркибида бир-бири und боғловчиси билан боғланиб келган иккита мустақил ажратилган компонент мавжуд; 10,11-рақамли мисолларда келтирилган ажратилган компонентлар бир жиҳатдан 6-рақамли мисолдаги ажратилган компонентга яқин турса, қолган хусусиятлари билан ундан ва қолган иловали элементлардан кескин фарқ қилади. Уларнинг яқинлиги бутун гапнинг мазмунини ифодалаш билан амалга ошса, фарқи эса иловали элементлар феъл-кесим билан эмас, балки лексик birlikлар билан бошқарилади.

I боб бўйича хулосалар

Илова ҳодисаси доирасида айтилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, биз илмий тадқиқот ишимизда анъанавий характерга эга бўлган у ёки бу тадқиқот ишларида доимо тадбиқ қилиниб келаётган ва ниҳоят ишимизнинг мавзусига монанд бўлган терминологик тушунчалардан фойдаланган ҳолда иш тутамиз. Мақсадимиз биз танлаган мавзуга нисбатан қанақа терминологик тушунчалардан фойдаланиш эмас, балки бу терминологик тушунчаларнинг лингвистик моҳиятини тўғри аниқлай олиш ва уни кўзланган мақсадга тўғри йўналтира олишдан иборатдир. Баъзи ҳолларда биз танлаган мавзу китобхонга танишдек, худди такрорланаётган мавзудек туюлиши мумкин. Аксинча, ундай эмас. Илова ҳодисаси қарийб юз эллик йилдан кўпроқ вақтдан бери ўрганилиб келинаётган бўлса ҳам, бироқ ҳозирги кунгача биронта ҳам тилда тўлиғича ўрганилмаган. Ҳатто, илова қурилманинг энг содда ҳисобланган структуравий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлган илмий манбаларга кўра атрофлича ўрганилмаган.

Баъзи ҳолларда бир диссертация доирасида илова ҳодисанинг бир қатор структуравий хусусиятларини талқин қилишга ҳаракат қилинади, натижада юзага келган хулосалар юзаки бўлиб қолади.

Натижада бир хил лингвистик моҳиятга эга бўлган парцелляция ҳодисаси билан илова ҳодисасини бир-биридан ажратишга ҳаракат қилинган. Умуман олганда парцелляция ва илова ягона лингвистик ҳодисадир. Уларнинг ягона синтактик ва стилистик ҳодиса эканлиги Б. Т. Турсуновнинг "Дискуссия вокруг проблем присоединения и парцелляции" номли мақоласида атрофлича ўз аксини топган. Худди шундай хулоса В. Г. Гакнинг "Теоретическая грамматика французского языка" номли монографиясида ҳам келтирилган. Фикримизнинг исботи учун В. Г. Гакнинг қуйидаги мулоҳазасини келтирамиз: "Парцелляция бу асимметрия

ходисасининг асл кўринишидир, бунда тобе компонентлар узук-узук гап бўлаклари шаклида расмийлашади. Парцелляциянинг (бизнинг тушунчамизда иловали элементларнинг) маъно хусусияти "қўшимча" моҳиятга эга. Иловали элементлар асосий фикр айтилгандан сўнг юзага келади", демак улар қўшимча маъно англатиб, асосий фикрни тўлдириб, конкретлаштириб келади.

II Боб. Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларнинг структурал ва маъно хусусиятлари

2.1. Тўғридан-тўғри генитив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар

Маълумки, предлоглар ёрдамчи сўз туркумларидан бири бўлиб, улар мустақил қўлланила олмайди ва гапда гап бўлаги вазифасини ҳам бажармайди. Предлоглар ўзи боғланиб келган сўзни бошқа сўз билан синтактик алоқага киритади ва уни бошқаради. Предлоглар ўзи боғланган сўзни бошқариб келганда, ўзининг лексик маъносини сақлаб қолади. Уни қуйидаги мисоллардан аниқ англашимиз мумкин:

Нем: Ich spreche mit dem Bruder.

Инг: I am talking with my brother.

Мен акам билан гаплашяпман.

Немис ва инглиз тилларида предлоглар от, сифат ёки равишлар билан боғланиб, ўрин-жой, пайт, сабаб, модал, восита каби аниқ воситаларни ифода этади. Масалан:

Нем: Ich fahre nach Samarkand.

Инг: I go to Samarkand.

Мен Самарқандга бораман.

Шунингдек, немис тилида предлоглар ўзи боғланиб келган сўзни маълум бир келишикда туришини талаб қилади. Шунга кўра улар қуйидагиларга бўлинади:

1. Қаратқич келишигини талаб қилувчи предлоглар. Бу келишик предлоглари асосан бир маъноли бўлиб, уларга қуйидагилар киради: unweit, während, ungeachtet, (an)statt, diesseits, infolge, jenseits, wegen, längs, trotz, innerhalb, außerhalb, oberhalb, anlässlich ва бошқалар. Бу предлоглар ўзидан кейин келадиган сўзларни шу келишикда туришини талаб қилади.

Масалан: Unweit des Dorfes liegt ein großer Garten.

Қишлоқнинг яқинида катта боғ жойлашган.

2.Жўналиш келишигини талаб қилувчи предлоглар.Бу келишикни талаб қилувчи предлоглар асосан кўп маъноли саналади. Уларга қуйидаги предлоглар киради: mit, nach, aus, zu, von, bei, seit, außer, entgegen, gegenüber. Бу предлоглар ҳар доим отдан ёки олмошдан олдин келади. Аммо entgegen ва gegenüber предлоглари кўпинча отдан кейин келади.

Масалан: Außer Maftuna sind alle da—Мафтунадан ташқари ҳамма шу ерда.

Ich saß dem Vater gegenüber—Мен дадамни рўпарасида ўтирдим.

3.Тушум келишигини талаб қилувчи предлоглар. Бу келишикни талаб қилувчи предлоглар ҳам кўп маъноли саналади. Уларга қуйидаги предлоглар киради: Durch, für, ohne, um, gegen, bis, entlang. Бу предлоглар ҳамма вақт отдан ёки олмошдан олдин келади, фақат entlang предлоги отдан кейин туради.

Масалан: Wir kämpfen gegen den Krieg—Биз урушга қарши курашамиз.

Die Kinder gehen ins Lager das Ufer entlang—Болалар лагерга қирғоқ бўйлаб бордилар.

4.Жўналиш ва Тушум келишиги предлоглари ҳар иккала келишик билан ҳам қўллана олади. Бу турдаги предлогларга қуйидагилар киради: An, auf, hinter, neben, in, über, vor, unter, zwischen. Агар улардан кейин келган сўз Қаерга?(Wohin?)сўроғига жавоб бўлса, тушум келишигида, Қаерда?(Wo?), Қачон?(Wann?)сўроғига жавоб бўлса, жўналиш келишигида туради. Бу предлогларнинг ҳам аксарияти кўп маъноли саналади.Бу предлоглар ҳар доим отдан ёки олмошдан олдин келади.

Масалан: Karim arbeitet in einem Werk—Карим заводда ишлайди. (Wo?) Er geht in das Institut.—У институтга боради. (Wohin?)

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан маълумки, ҳар иккала тилда ҳам предлогларнинг функциялари бир хил. Аммо инглиз тилида келишиклар йўқлиги сабабли, предлоглар ўзбек тилидаги келишиклар ўрнида қўлланилади.

Масалан: I live in Samarkand—Мен Самарқандда яшайман. After lesson I went to the library—Дарсдан сўнг мен кутубхонага бордим. Шунингдек, предлогларнинг ҳар иккала тилдаги ўхшаш жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчиман. Масалан, Немис тилидаги айрим предлоглар, инглиз тилидаги баъзи предлогларга маъно ва шакл жиҳатдан ўхшашдир. Балки бунинг сабаби, бу икки тилнинг бир туркумга (Герман) мансублигидадир.

Хулоса қилиб айтганда, тилни ўрганишда тақослаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Албатта, бу ўрганувчилар учун осонлик туғдиради.

Тўғридан-тўғри генитив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар аккумулятив ва датив келишикларида ифодаланиб келувчи иловали элементларга нисбатан биз ўрганган матнлар доирасида қўшмадан-кам учрайди. Лекин уларга хос бўлган хусусиятларни алоҳида таъкидлаш мақсадида, биз уларни алоҳида структуравий гуруҳ таркибида изоҳлаб беришни лозим топдик.

Энди ана шу генитив келишиги шаклида ифодаланиб келувчи иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни мисоллар намунасида изоҳлашга ўтамиз.

1. Nicolas hatte für sie in Plessis das Haus eines Bekannten gemietet, eines Sieur Bessat.

2. Kurz vor den Semesterferien erhielt Anna einen Brief von Frau Winter, der Mutter von Claus.

3. Sie wurden gestört durch einen Telefonanruf von Christine Golling, der Schuldirektorin aus Mahldorf.

4. Er hörte in seinem Rücken die Heimkehr der Männer, Vater Enders und Schwiegersohn Willi Steiner.

5. Auf seinen Kolben bei Tafel steckte ein buntsteckiger, buckliger Hofnurr den vertraulichen Brief des Habusburges, des Ersten Obersten Treuesten Fürsten des Reichs.

1,2,3,4,5-рақамли мисолларда намоёниш этилган ажратилган компонентларнинг изоҳланиш жараёни қолган худди шундай иловали элементларнинг изоҳланиш жараёнидан кескин фарқ қилади. Бунга сабаб шуки, уларнинг ажратиш ҳодисасига учраши жуда ҳам мураккаб, чунки аниқловчилар билан аниқланмиш ўртасида мавжуд бўлган синтактик алоқалар, тўлдирувчи ёки ҳолларга хос бўлган худди шундай алоқа воситаларига нисбатан мустаҳкамроқ, зичроқ бўлади. Аниқловчи ва аниқланмиш ўртасидаги алоқага нисбатан В.Г. Адмони ҳам ўз муносабатини қўйидагича ифодалайди: «Besonders fest und “eng” sind die attributiven Beziehungen, ziemlich frei die adverbialen Beziehungen, die sich durch große Beweglichkeit der abhängigen Glieder ausziehen. Die Objektivenbeziehungen nehmen in dieser Hinsicht eine Mittelstellung ein». Демак, аниқловчи билан аниқланмиш ўртасидаги синтактик алоқа воситаси ҳол ва унинг бирикмалари, тўлдирувчи ва унинг бирикмалари ўртасидаги синтактик алоқаларга нисбатан мустаҳкамроқ, «зичроқ», шунинг учун аниқловчилар тўлдирувчи ёки ҳолга нисбатан камроқ даражада иловали элементлар функциясида ифодаланиб келади. Бирок аниқловчи билан аниқланмиш ўртасидаги синтактик алоқа воситасига таъсир қилувчи омиллар ҳам мавжуд, у ҳам бўлса ёзувчининг индивидуал услубидир. Ёзувчи учун баъзи вақтларда объект эмас, балки ана шу объектнинг кимга тегишли бўлишлиги муҳимроқ бўлади. Демак, айнан ана шу ҳолат генитив келишигида келувчи мослашмайдиган

аниқловчиларнинг иловали элементлар функциясида келиши учун қулай имкониятлар яратади. Демак, айрим компонентларнинг, аниқроғи, у ёки бу гап бўлагининг иловали элементлар функциясида келиш-келмаслиги, юқорида таъкидлаганимиздек, доимо синтактик йўллар билан эмас, балки стилистик воситалар билан ҳам ҳал бўлиши мумкин экан. Стилистик восита деганда кўз олдимизда мунтазам равишда у ёки бу ёзувчининг индивидуал услуби намоён бўлади.

Генитив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар ҳам худди бошқа ажратилган компонентлардек, ўзининг маълум бўлаклардан ажратувчи мантикий урғуси, ўзига хос оҳанги, семантик функцияси, бошқа гаплардан ажратувчи тўхтамга эга бўлади. Генитив шаклида ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг маъно хусусияти ажратилган аниқловчиларнинг маъно хусусиятларидан фарқ қилади. Чунки генитив шаклида ифодаланиб келувчи ажратилган компонентларнинг асосий семантик функцияси маълум компонент функциясида келувчи аниқланмишларнинг маъно хусусиятларини конкретлаштиришга қаратилмайди, аксинча, худди шундай генитив шаклида келувчи аниқловчиларнинг маъно хусусиятларини тўлдиришга, аниқлашга, конкретлаштиришга қаратилади. Шунинг учун ҳам генитив келишигида ифодаланиб келувчи ажратилган компонентлар ўзларига хос бўлган бундай хусусиятлари билан алоҳида таъкидланиш ҳуқуқига эга бўлади.

2.2. Dativ-келишигини талаб қилувчи кўмакчилар ёрдамида ҳосил бўлган иловали элементлар

Датив келишигини талаб қилувчи кўмакчилардан -an, -aus, -bei, -in, -mit, -nach, -neben, -von, -vor, -zu, -zwischen- каби иловали элементларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади. Бироқ бу кўмакчилар ёрдамида ҳосил бўлган ажратилган бирикмалар, бизнинг олиб борган кўзатишларимизнинг натижаси бўйича, матнлар доирасида бир текис ёйилмаган. Жумладан, матнлар доирасида бошқаларига нисбатан энг кенг ёйилган ажратилган компонентлардан бу -mit кўмакчиси ёрдамида ифодаланиб келган ажратилган компонентлардир. Улар матн доирасида 92 та birlikни ташкил этади. Қолган кўмакчилар ёрдамида ифодаланиб келган ажратилган бирикмаларнинг сони 31 тадан 4 тагача боради.

Энди биз датив келишигини талаб қилувчи кўмакчилар, яъни -mit, von, zu-лар ёрдамида келган иловали элементларга кўпроқ урғу бериб, қолганларини мисоллар намунасида кўрсатиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

. -Mit- кўмакчиси ёрдамида ҳосил бўлган иловали элементлар:

1. Er ist mit einem Flieger gekommen, mit dem Fieseler Storch.
2. Helga wartete bereits, mit zwei Gästen, mit Riedl und mit Rentmair.
3. Jean - Jacques hatte sich von jener am wohlsten gefühlt im Verkehr mit Menschen aus dem Volk, mit Bauern und kleinen Bürgern.
4. Für sie ist es besonders schlimm, mit dem Kind.
5. Wirklich fuhr wenige Tage später die Königin am Portal von Ermenonville vor, mit kleinem Gefolge.

-Mit-кўмакчиси билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар тузилишлари, маъно ҳақда вазифаларига кўра бир-бирларига бир

томондан ўхшаса ҳам, иккинчи томондан бир-бирларидан фарқ қилади. Уларнинг ўхшашлик томонлари куйидагича: иловали элементлар маълум гап бўлагининг хусусиятини ажратиб кўрсатади, шу билан бирга унга қўшимча изоҳ беради, асосий мантиқий урғу иловали элементларда бўлади. Иловали элементлар ўзига хос оҳанга эга бўлиб, улар маълум гаплардан тўхтам билан ажралиб туради. Тўхтам функциясида вергул ишлатилади, вергул улардан олдин қўйилади. Иловали элементлар учун хос бўлган бундай хусусиятлар 1,2,3,4,5-рақамли мисолларда намоиш қилинган ва -mit- кўмакчиси билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар таркибида бирдек ёйилмаган, бу ҳолат уларнинг бир-бирларидан фарқ қилишига олиб келади. Уларга хос бўлган бундай фарқлар 4,5-рақамли мисолларда келувчи иловали элементлар учун маълум бўлақларнинг бўлмаслиги билан ифодаланади. Натижада улар маълум бўлақларнинг эмас, балки бутун гап мазмунининг хусусиятини ажратиб кўрсатади. 1,2,3-рақамли мисолларда келтирилган иловали элементлар эса ўзлари бевосита боғлиқ бўлган маълум бўлақларга қўшимча изоҳ бериб, уларнинг мазмунини конкретлаштириб, тўлдириб, аниқлаб келади. Уларга хос бўлган синтактик алоқа ҳам улар ўртасида мавжуд бўлган мазмун муносабатлари билан ифодаланади.

Кўпинча гап бўлақларининг ажратилиши учун уларнинг ўзига хос сўзлар билан кенгайиб келиши зарур бўлади. Бу эса гап бўлагига нисбий мустақиллик бериб, унинг бошқа гаплардан ажралишига олиб келади.

Масалан:

6. Er war mit allerart Menschen zusammengekommen, mit Politikern und Geistlichen, mit Malern und Stierkämpfern, mit Töpfern und Bauern.

7. Für den Garten der Beethovenstraße hatte Cläre sie seinerzeit mit allerlei Seltenheiten versorgt: mit Zwiebeln des Siebenschläfers, Ablegern der Laternenblume und Samen des Silbertalers.

8. Die kleine Prinzessin saß in einer Rossänfte mit ihrer Hofmeisterin, einer Frau von Lodrone, und ihrem Kammerfräulein Hildegrad von Rottenburg, einem dünnen, unansehnlichen, ungeheuer dienstwilligen Geschöpf.

6,7,8-рақамли мисолларда намоёиш қилинган -mit-кўмакчиси билан ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг структуравий тузилиши турли хил лексик грамматик воситалар билан кенгайтирилган. Масалан, 6,7-рақамли мисоллардаги иловали элементлар уюшиқ бўлакли ҳарактерга эга бўлган иловали элементлар ёрдамида, 8-рақамли мисолдаги иловали элемент ҳам уюшиқ бўлақлар ҳарактерига эга бўлган худди шундай иловали элементлар ёрдамида ҳамда аниқловчилар функциясидаги уюшиқ гаплар иштирокида.

Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, иловали элементлар ўзларига оид сўзлар билан қанча кенгайса, уларнинг нисбий мустақиллиги шунча кучли бўлади. Агарда биз уларни шу содда гап таркибидан чиқариб ташласак, у ҳолда ушбу содда гапларнинг умумий кўриниши қуйидагича бўлади:

6. Er war mit allerart Menschen zusammengekommen .

7. Für den Garten der Beethovenstraße hatte Cläre sie seinerzeit mit allerlei Seltenheiten versorgt .

8. Die kleine Prinzessin sass in einer Rossänfte mit ihrer Hofmeisterin.

Демак, ушбу содда гапларни ўз ҳолига қайтариб, уларнинг структурасининг мураккаблаштирилишида бевосита иштирок этувчи

иловали элементларнинг синтактик, семантик ва стилистик аҳамиятлари канчалик муҳим эканлигини билиб оламиз. Энг қизиғи шундан иборатки, ажратилган гап бўлаклари бир вақтнинг ўзида икки хил функция бажариб келади: бир томондан, содда гапларнинг структуравий тузилишини мураккаблаштиради; иккинчи томондан, эллипсис туфайли уларнинг структуравий тузилиши соддалаштиради.

Ушбу ҳолатни қуйидаги мисоллар таркибида яна бир бор кўзатиш мумкин:

9. Markgraf Ludwig sass zusammen mit seinem Freund, dem Herzog Konrad von Teck, über Rechnungen und Belegen.

10. Sie fand sich zugedeckt mit ihren Sachen, dem Nicki, den Shorts.

11. Mistress Singh spielte mit ihrer langen Kette, dem Zeichen der verheirateten Frau.

12. Seine Frau blieb mit zwei Töchtern zurück, Lina und Mario, Annas Mutter.

13. Sie warteten zusammen mit Chreston, einem dünnen, drahtigen, langen Mann, im Büro des Hauptgeschäfts.

9,10,12,13-рақамли мисолларда кўрсатиб ўтилган иловали элементлар таркибида -mit- нинг бўлмаслиги уларнинг иловали элементлар функциясида кела олмаслигини билдирмайди, аксинча, уларга хос бўлган бундай хусусиятларни алоҳида таъкидлаш учун имконият яратади.

-Mit- кўмакчиси билан келувчи иловали элементлар баъзи ҳолларда махсус сўзлар ёрдамида ҳам бошқарилади.

Масалан:

14. Es hing vielleicht mit dem Richtfest zusammen, vielleicht mit den Mau-reren.

15. Grooch würde auf dem Bahnhof warten, hoffentlich mit Fanny.

16. Lora sah sich an der Straßenecke stehen, zusammen mit einigen Angestellten des Friedensrates.

17. Am nächsten Morgen besuchte Anna schon um sechs Uhr die Frühmesse, zusammen mit der alten Frau.

14,15,16,17-рақамли мисолларда келтирилган ажратилган компонентларнинг hoffentlich, vielleicht, zusammen каби сўзлар билан бошқарилиши, улар томонидан маълум бўлакларга ёки бутун гап мазмунига билдирилаётган қўшимча маъно хусусиятига модаллик тушунчасини беради.

Баъзи ҳолларда -mit- кўмакчиси билан ифодаланиб келувчи ажратилган бирикмалар олдида боғловчилар ҳам келиши мумкин.

Масалан:

18. Er sprach mit niemand, auch nicht mit Richard über seinen Kummer.

19. Jetzt konnte er zurückzahlen, und mit Zinsen.

20. Er hatte die letzten Worte beinahe flüstern gesprochen, doch mit wilder Intensität.

Иловали элементлар олдида -auch, -und ва -doch боғловчиларининг келиши, биринчидан, ажратилган компонентлар билан маълум бўлаклар ўртасида мавжуд бўлган синтактик алоқаларнинг кенгайишига, иккинчидан, эса улар томонидан маълум бўлакларга билдирилаётган қўшимча маъно нозикликларининг ҳархил бўлишига таъсир қилади.

-Mit-кўмакчиси билан ифодаланиб келувчи иловали элементларга хос бўлган бундай ва бошқа хусусиятлар - von ва zu- кўмакчилари ёрдамида келувчи ажратилган компонентлар таркибида қисман такрорланиши ва тўлдирилиши мумкин.

. Von- кўмакчиси ёрдамида ҳосил бўлган иловали элементлар:

21. Ich habe ihr von dem Einbruch des Wittelsbacher erzählt, von der brutalen Einäscherung und Plünderung des Inntals.

22. Er erzählt von seiner Kur, den Sanatorien, den Ärzten, den Bädern, den Spaziergängen, der Verpflegung.

23. Der Brief kam von Francois, von dem Sergeanten Francois Renoux, ihrem Sohn.

24. Und so begann sie ihm von sich zu erzählen, von ihrer Arbeit und den Kindern.

25. Die große Änderung konnte nur von unten kommen, von den Massen, vom Volk.

26. Peachum hatte von der ganzen Sache, besonders von der Zähigkeit des Herrn Coax bei der Verteilung des Reingewinns, einen ausgezeichneten Eindruck gewonnen.

27. Der Bahnhofplatz war voll, hauptsächlich von Bentheimleuten.

Von- кўмакчиси билан ифодаланиб келган ажратилган бирикмалар таркибида худди шундай компонентларга хос бўлган барча хусусиятлардан ташқари, уларга хос бўлган айрим хусусиятларни учратиш мумкин. Уларга хос бўлган бундай хусусиятларни 23- рақамли мисолда берилган ажратилган бирикма намунасида изоҳлаб берамиз. Маълумки, ажратилган компонентлар нечта қисмлардан иборат бўлишидан қатъий назар, улар маълум компонентга нисбатан параллел бирикади, жумладан, ушбу ҳолатни 22-мисол таркибида ҳам кўзатиш мумкин: -маълум компонент бўлмиш -von seiner Kur нинг маъно хусусиятини

конкретлаштириш мақсадида 5 та алоҳида сўздан олинган иловали элемент хизмат қилади, уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида маълум компонентга тегишли бўлиши мумкин, бироқ 23- рақамли мисол таркибида бошқачароқ ҳолатга дуч келамиз. Бу ерда маълум бўлак бўлмиш -von Francois -га иккита иловали элемент бирикиб келган, лекин иккинчиси, яъни, ihrem Sohn, биринчи, яъни von dem Sergeanten Francois Renoux- сиз тўғридан-тўғри маълум бўлакка бирикиб кела олмайди. Натижада бу ерда кетма-кет бирикиш содир бўлади; яъни, иккинчи ажратилган компонент -ihrem Sohn, биринчи компонент -von dem Sergeanten Francois Renoux орқали, маълум компонент -von Francois -га бирикади ҳолос.

-Zu- кўмакчиси ёрдамида ҳосил бўлган иловали элементлар:

28. Er ging hinüber, zu Ilse.

29. Aber er lässt mich auch mal :nen Entwurf machen, zur Probe natürlich.

30. Eigentlich will er sofort heim, zu Friedrich Kunze.

31. Sie fahren bis in die Magdeburger Börde und in die Uckermark, zu Onkel Fritz und den anderen Verwandten.

32. Sie war zu ihrem Schwager geflohen, dem König von England.

33. Mit einem Schlag avansierte die schöne Charlotte zur ersten Schauspielerin, ersten Tänzerin und ersten Sängerin, etwas viel auf einmal.

-Zu- кўмакчиси ёрдамида келган ажратилган компонентларга ҳос бўлган иккита хусусиятни алоҳида таъкидлаш лозим: биринчидан, унинг кўшимча маъноси кўп ҳолларда гапнинг бутунлай мазмунини ажратиб кўрсатишга қаратилган; иккинчидан, 29-рақамли мисолдаги ажратилган бирикма таркибида келган -natürlich -модал сўзининг инверсия ҳолатида туришидир. Қолган барча ҳолатларда -zu- кўмакчиси билан келган

ажратилган бирикмалар худди шундай бирикмаларга хос бўлган хусусиятларни такрорлаб келади.

-An, -aus, - bei, -nach, - neben, -vor кўмакчилари ёрдамида ҳосил бўлган ажратилган бирикмалар:

34. Sie sind doch nicht an mir interessiert, sondern an Jean -Jacques.

35. Sie liess sich Einzelheiten aus der Heimat erzählen, aus dem täglichen Leben des Vaters.

36. Liesel wohnte um diese Zeit in derselben Stadt bei einem alten Freund Kempffs, Hermann Lange.

37. Nach Titel, Stellung oder Namen fragte sie nicht, schon gar nicht nach Geld.

38. Ein gutes Dutzend Bücher stand griffbereit, neben Romanen Essays und Jugendbücher, sogar Utopisches.

39. Drinnen knieten Ludwig und Margarete vor den pästlichen Kommissaren, dem Bischof Paul von Freisung und dem Abt Peter von Sankt Lamprecht.

Датив келишигини талаб қилувчи кўмакчилар ёрдамида ҳосил бўлган Иловали элементларнинг структуравий тузилишини изоҳлаш натижасида аниқланган ва уларга хос бўлган хусусиятлар генитив келишигини талаб қилувчи кўмакчилар ёрдамида ҳосил бўлган ажратилган бирикмалар тартибида такрорланиши ва янгича кўринишларга эга бўлиши мумкин.

Энди генитив келишигини талаб қилувчи кўмакчилар ёрдамида ҳосил бўлган ажратилган бирикмалар устида тўхталиб ўтамиз.

Генитив келишигини талаб қилувчи кўмакчиларнинг ҳаммаси ҳам иловали элементларнинг функцияларида кела олмасликлари мумкин. Бошқача қилиб айтганда, улар ажратилган компонентлар функциясида қўллана олмайди. Биз ўрганган матнлар устида олиб борган кўзатишлар шуни кўрсатадики, генитив келишигини талаб қилувчи кўмакчилардан

фақат атига иккитаси, яъни у ҳам бўлса, -trotz ва –wegen кўмакчилари иловали элементларни бошқариб кела олишлари мумкин ёки улар ёрдамида иловали элементлар юзага келади. Ана шу кўмакчилар ёрдамида ифодаланиб келган иловали элементларнинг структуравий тузилиши, маъновий вазифалари, шунингдек, маълум компонентларга нисбатан бўлган синтактик муносабатларни изоҳлашга тўхтайламиз.

Генитив келишигини талаб қилувчи кўмакчилар ёрдамида келган иловали элементлар худди юқорида таҳлил қилинган иловали элементлардек, энг аввало, гапнинг бошқа бўлаклари билан мазмун муносабатида бўлади. Уларга хос бўлган бундай муносабатлар иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни аниқлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Иловали элементларнинг алоҳида коммуникатив бирликлар функциясида келишида улар ўртасидаги синтактик алоқа воситаларини аниқлашда ҳам улар орасидаги мазмуний муносабатлар муҳим роль ўйнайди. Энди генитив келишигини талаб қилувчи кўмакчилар ёрдамида ҳосил бўлган иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни изоҳлашга ўтайлик.

Масалан:

1. Noch nie hatte er sie besucht, trotz Einladung.
2. Ich habe mich abgejagt, trotz einer Erkältung.
3. Sie ist also wieder mit dem Herrn Bruder zusammengekommen nach dem Prozess, trotz der Prozesses.
4. Die andern Kettenläden waren eine starke Konkurrenz, trotz der höheren Preise.
5. Margarete, trotz aller Kritik, konnte sich der theatralischen Blendung dieses Triumphzuges nicht entziehen.
6. Rose, trotz all ihrer Plumpheit und Drebkeit, war einfügsam und großzügig.

1,2,3,4,5,6-рақамли мисолларда келтирилган ажратилган бирикмалар куйидаги хусусиятларга эга: биринчидан, ўзига хос маъновий вазифасига эга. Бу вазифа шундан иборатки, ажратиш орқали бутун гапнинг маъноси бўрттириб кўрсатилади. Иловали элементларнинг маъно хусусияти бу билан чекланмайди, Иловали элементлар орқали қўшимча маънолар ҳам ифодаланган. Ана шу қўшимча маънолар орқали бутун гапнинг мазмуни конкретлаштирилади, тўлдирилади, аниқланади. №ўшимча маъно бу ерда сабаб нозикликларига эга, демак, содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг сабабини изоҳлаб келади; иккинчидан, иловали элементлар икки хил позицияларда келади: гапнинг охирида ва ўртасида. Иловали элементлар билан гаплар орасидаги синтактик алоқалар уларнинг мазмуний муносабатлари ва бир-бирларига нисбатан жойлашиш ўринлари билан, яъни сўз тартиби орқали ифодаланади; учинчидан, улар ҳам ўзларининг оҳангига, тўхтамига ва мантикий урғусига эга. Уларнинг худди шундай иловали элементлардан фарқи - бу улар алоҳида олинган маълум бўлақларнинг мазмунини эмас, аксинча, бутун гап мазмунини изоҳлаб келишидадир.

Генитив келишиги ва генитив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар.

Биз ишимизнинг олдинги қисмларида датив келишигини талаб қилувчи предлоглар ёрдамида ифодаланиб келган иловали элементларнинг илова қурилма таркибида бажариб келаётган функциялари тўғрисида фикр юритдик. Энди эса бу ерда генитив келишиги ва генитив келишигини талаб қилувчи предлоглар ёрдамида ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг мураккаб синтактик бутунликлар таркибида бажариб келаётган функциялари ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Бизнинг олиб борган кузатишимиз, генитив келишиги ва генитив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар бадий матнларда ўзларининг ёйилиш даражалари буйича аккузатив келишиги ва аккузатив ҳамда датив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келувчи иловали элементларга нисбатан жуда ҳам паст даражада эканлигини кўрсатади.

Генитив келишиги ва генитив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг худди шундай синтактик хусусиятларга эга бўлган иловали элементларга нисбатан кам ёйилиши ҳам мумкин. Бундай сабаблардан бирини В.Г. Адмони қуйидагича изоҳлаган: „Besonders „fest“ und „eng“ sind die attributiven Bereichungen, ziemlich frei die averbialen Beziehungen, die sich durch eine größere Beweglichkeit der abhängigen Glieder auszeichnen. Die Objektsbeziehungen nehmen in dieser Hinsicht eine Mittelstellung ein“. Бу мулоҳазанинг моҳияти қуйидагича: иккинчи даражали бўлақлардан бири булмиш аниқловчи узига хос бир хусусиятга эга. У гап таркибида аниқланмишдан олдин келиб, улар ўртасидаги синтактик алоқалар ҳол ва тўлдирувчиларни ташкил қилувчи компонентлар ўртасидаги алоқаларга нисбатан анча мустаҳкам ва жипслашган. Шу сабабли улар иловали элементлар функциясида кам қулланилиши мумкин; деган гоёнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Аниқловчиларга хос бўлган бундай хусусиятни кенгрок маънода, яъни гаплар таркибида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Е.В. Гулыга узининг немис тили синтаксисига оид монографик асарида юқорида баён қилинган фикрга нисбатан қуйидагича мулоҳаза юритади: "аниқловчи эргаш гаплар ҳеч вақт иловали элементлар функциясида кела олмайди, хатто унинг иккала қисмида семантик ядро мавжуд бўлса ҳам". Бироқ иловали элементларнинг юзага келишида ёки уларнинг ёйилиш даражасини аниқлашда синтактик омилларни асос қилиб олиш, ҳамма вақт

ҳам айтган натижаларни келтириб чиқара олмаслиги мумкин. Фикримизнинг исботи учун, аниқловчи эргаш гапларнинг ҳам иловали элементлар функциясида келаолишлигини ушбу мисол намунасида курсатиш мумкин: „wo ist in den raumen der Geschichte, die wir seelisch noch betreten können, die Zeit, die sich in Permanenz erklärt und aufgetrumpft hatte vor der Ewigkeit mit ihrer traurigen Beschränktheit. Die jeden nicht ganz in ihr Befangenen aberglaublich bemakelt hatte“.

Илова қурилма таркибида аниқловчи эргаш гап иловали элементлар функциясида келиб, шундай бир катта матнга яқун ясапти, яъни мураккаб синтактик бутунликнинг яқунловчи компоненти сифатида майдонга келаяпти. Демак, аниқловчиларнинг ёки кенгрок маънода аниқловчи эргаш гапларнинг иловали элементлар функциясида келишини ёки келаолмаслигини синтактик йўллар билан эмас, аксинча стилистик усуллар билан тушунтирилиши мақсадга мувофиқ деб биламиз. Чунки у ёки бу иловали элементларнинг ёйилиши даражаси Б.Т.Турсуновнинг таъбирича фақатгина ёзувчининг индивидуал услуби билан белгиланади, бошқача усул бўлиши ҳам мумкин эмас. Д.Ш.Туякаева инглиз тили материаллари асосида илова ҳодисасини урганиб, иловали элементлар функциясида келувчи аниқловчилар тўғрисида қуйидагича мулоҳаза юритади: "аниқловчилар қанчалик кенгайтирилган бўлса, уларнинг иловали элементлар функциясида келиши осонроқ бўлади.

Д.Ш.Туякаева ҳам иловали элементларнинг юзага келишини ва уларнинг тарқалиш даражасини ана шундай синтактик йўллар билан изоҳлаб беришга ҳаракат қилган. Албатта, илова қурилма ҳодисасини урганганда, уни бир томонлама, яъни синтактик томондан талкин қилмасдан, балки семантик, стилистик, типологик ва бошқа томонларига ҳам аҳамият берилса, кўзланган мақсадга эришилади.

II-боб бўйича хулосалар

Ҳозирги замон немис ёзувчиларининг асарларидан тўпланган кўп сонли мисоллар намунасида предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларнинг маълум бўлакларга нисбатан бажариб келаётган турли - туман функцияларини таҳлил қилиш қуйидагича хулосаларни чиқаришга имкон яратади:

1. Мураккаб гап синтаксисининг таркибий қисмларидан бири бўлмиш предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар ва уларнинг структуравий гуруҳлари шу кунгача ҳозирги замон немис бадиий адабий тилида тўлиғича ўрганилмаган. Гапнинг ажратилган бўлакларидан, аниқловчили, изоҳли ва сифатдош бирикмалари шаклида ифодаланиб келувчи предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар атрофлича ўрганилган. Бироқ бош бўлаклар, шунингдек ҳол ва тўлдирувчили шаклида ифодаланиб келувчи иловали элементлар бугунги кунгача бирон-бир илмий-тадқиқот ишининг текшириш объектига айланмаган.

2. Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар мураккаб гап синтаксиснинг энг ҳаракатчан структурал типларидан бири бўлиб, у биз ўрганган матнлар доирасида маълум даражада кенг ёйилиши билангина эмас, балки турли хил структуравий шаклланишга эга бўлишлиги билан, шунингдек, ҳар хил маъновий вазифаларни, ранг-баранг стилистик функцияларни бажариб келиши билан алоҳида таъкидланиши лозим.

3. Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларнинг структуравий тузилиши ва грамматик ифодаланиши турли-тумандир. Улар маълум бўлакка ёки бутун гапга нисбатан ёлғиз ёки кенгайган шаклларда бирикиб келиши мумкин. Иловали элементлар структуравий тузилиши икки ёки ундан ортиқ компонентлардан иборат бўлиб, бир вақтнинг ўзида турли хил лексик-грамматик воситалар ёрдамида кенгайтирилиши мумкин.

4. Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар турли хил грамматик усулларда ифодаланиб келиши мумкин: тўғридан-тўғри

аккузатив, датив ва генетив келишикларида ва шунингдек, аккузатив, датив, датив ва аккузатив, генетив келишикларини талаб қилувчи кўмакчилар ёрдамида.

5. Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар маълум бўлакларга нисбатан интерпозиция ёки постпозиция ҳолатларида келиб, унга нисбатан икки хил усулда бирикиши мумкин: параллел ва кетма кет.

6. Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар ўзларига хос оҳангга, тўхтамга, мантиқий урғуга ва маъновий вазифаларга эга бўлади. Уларга хос бўлган мантиқий ажратиш оҳангида ҳам ўз ифодасини топади: Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар маълум гап бўлакларидан фарқланувчи оҳанг билан талаффуз қилинади. Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар маълум бўлакка нисбатан кўшимча маъно билдириб, унинг мазмунини конкретлаштиради, тўлдиради, изоҳлайди, аниқлайди. Баъзида ажратилган бўлакларнинг кўшимча маъноси умумлаштирувчи характерга ҳам эга бўлиши мумкин: Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар маълум бўлақдан вергул, баъзида нуқта вергул ёки икки нуқта билан ажратилади.

7. Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар билан маълум бўлақлар бир-бирларига нисбатан турли хил синтактик муносабатда бўлишади. Бунинг натижасида иловали элементларнинг кўпчилиги маълум бўлақларнинг мазмуни билан алоқада бўлса, айримлари, яъни -durch, ohne, gegen, trotz, wegen- каби кўмакчилар ёрдамида ифодаланиб келувчилари тўғридан-тўғри гапнинг мазмуни билан ўзаро муносабатда бўлишади.

8. Гапнинг у ёки бу бўлагига предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар функциясида қуйидаги синтактик воситалар таъсир қилиши мумкин: интонация, пауза, мантиқий урғу, талаффуз темпаси; сўз тартиби, ёрдамчи сўзлар, синтактик алоқа воситалари ва интонациялари ва тиниш белгилар. Уларнинг ажратилишида синтактик воситалардан ташқари бошқа омиллар ҳам, жумладан, контекстуал ва стилистик омиллар таъсир

кўрсатиши мумкин. Бу орада келтирилган омиллар ичида энг муҳими ва етакчиси - бу стилистик омиллардир.

9. Маълум бўлақлар билан предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар ўртасидаги синтактик алоқалар турли хил усуллар ёрдамида ифодаланади: феъл-кесимларнинг умумийлиги ва бошқарувчанлиги билан; улар ўртасидаги мослашувчанлик усуллари билан; содда гапларнинг зарурий компоненти бўлмиш бош бўлақларнинг яхлитлиги билан, чунки улар фақат маълум бўлақлар учун эмас, балки предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар учун ҳам бош бўлақлар функциясида келади.

10. Предлоглар орқали ифодаланган иловали элементларнинг бирдан-бир муҳим синтактик функцияси - бу содда гаплар таркибида келиб, уларнинг структурасини мураккаблаштиришдан иборат: бироқ бу ерда ҳам улар икки хил функцияни бажаради: биринчидан, содда гаплар структурасини мураккаблаштиради, иккинчидан, ўзларининг структураси ҳам ҳар хил лексик-грамматик воситалар ёрдамида мураккаблашади. Натижада уларнинг ҳажм кенгайишлари ҳар-хил характерга эга бўлади.

III-БОБ. Аккузатив келишигида ифодаланган иловали элементлар

3.1. Тўғридан-тўғри аккумулятив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар

Биз юқорида иловали элементларни ўрганишга бағишланган бир қатор илмий-тадқиқот ишларнинг хулосалари билан танишиб, иловали элементлар тўғрисида маълум даражада тушунчага эга бўлдик. Энди ана шу илмий ишларнинг хулосаларига таяниб, ушбу бобнинг вазифасини қуйидагича белгилашни лозим топдик: **биринчидан**, иловали элементлар тўғрисида мавжуд бўлган хулосаларни ривожлантириш, баъзи соҳаларда уларга маълум даражада аниқлик киритиш; **иккинчидан**, *für* предлоги орқали ифодаланган иловали элементларга хос бўлган барча синтактик ва семантик хусусиятларни мисоллар таҳлилида изоҳлаб бериш.

Бадий асарлар устида олиб борган кўзатишлар гапнинг иловали элементлари, аниқроғи *für* предлоги орқали ифодаланган иловали элементларнинг юқорида номлари кўрсатилган асарларда маълум даражада ёйилганлигини кўрсатади.

Für предлоги орқали ифодаланган иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни изоҳлашга ўтишдан олдин илова ҳодисаси ва у туфайли юзага келаётган иловали элементларга ва улар бевосита боғлиқ бўлган маълум бўлақларга нисбатан муаллифлар томонидан қўлланилаётган терминологик тушунчаларнинг ҳар хил бўлишлигини қуйидаги мисол таҳлилида изоҳлаб беришга ўтайлик:

Mistress Singh trug das traditionalle indische Frauengewand, für sie den Sari (9,215).

Ажратилган бўлақка нисбатан: иш доирасида қуйидаги тушунчалар қўлланилиши мумкин: ажратилган бўлақ, компонент,

коммуникатив бўлак, синтактик бирлик, қўшимча маъноли компонент, маъно томонидан муҳим компонент, «кесимнинг ҳосиласи» ва бошқалар.

Маълум бўлакка нисбатан: асосий сўз, асосий сўз бирикмаси, таянч компонент, ҳоким компонент, қўшимча изоҳ талаб қилувчи синтактик бирлик, «антецедент» каби ва бошқа тушунчалар қўлланилиши мумкин. Иш доирасида ажратилган гап бўлакларга ёки маълум компонентларга нисбатан қўлланилаётган терминологик тушунчаларнинг барчаси Für предлоги орқали ифодаланган иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни изоҳлаб беришга хизмат қилиши мумкин.

Демак, маълум бўлакка ва иловали элементларга нисбатан бу ерда қўлланилаётган синтактик бирликларни эътиборга олган ҳолда , шунингдек, ишнинг биринчи, яъни назарийбобида тилшунос олимларнинг илова ҳодисасига нисбатан айтган фикр- мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда , илова ҳодисасига қуйидагича таъриф бериш мумкин (изоҳ): ўзининг нисбий мустақил мазмунига, семантик вазифасига, ўзига хос оҳангига, тўхтамига, шунингдек, мустақил мантиқий урғусига эга бўлган, содда гапларнинг таркибида келиб, уларни мураккаб гапга айлантирувчи синтактик конструкциялар илова ҳодисаси деб аталади. Илова ҳодисасига берилган бундай таъриф ишнинг ушбу ва қолган бобларида янада тўлдирилиши, кенгайиши ва бойитилиши мумкин.

Für предлоги орқали ифодаланиб келувчи иловали элементларни грамматик ифодаланиши нуқтаий назаридан қуйидаги структуравий гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1) тўғридан-тўғри аккузатив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар;

2) тўғридан-тўғри датив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар;

3) тўғридан-тўғри генетив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар;

4) ажратилган кўмакчили бирикмалар;

Тўлдирувчилар шаклида ифодаланиб келувчи иловали элементларни юқорида берилган тартибда таҳлил қилиш анча қўлайликларни тўғдириши мумкин: биринчидан ҳар бир структуравий гуруҳга хос бўлган хусусиятларни изоҳлашда; иккинчидан, эса ҳар бир структуравий гуруҳлар ўртасида мавжуд бўлган ўзаро мантиқий боғлиқликни кўрсатишади.

Тўғридан-тўғри аккумулятив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар, биз ўрганган матнлар доирасида ёйилиши жиҳатидан статистик маълумотларга кўра, биринчи ўринда туради, уларнинг сони кўпроқни ташкил этади. Тўғридан-тўғри аккумулятив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг миқдор жиҳатдан ҳудди шундай иловали элементларга нисбатан устун туриши, уларнинг хилма-хил структуравий шаклланишларига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам биз уларга хос бўлган структуравий тузилишларни қуйидаги майда-майда гуруҳларга бўлиб ўрганишни лозим деб топамиз: 1) маълум компонентнинг олмош ва ажратилган бўлакнинг от шаклида ифодаланиши; 2) ҳам маълум ва ҳам иловали элементларнинг от шаклида ифодаланиши; 3) ажратилган бўлакнинг оралиқ позицияда келиши; 4) иловали элементларнинг боғловчилар билан келиши; 5) ажратилган бўлакнинг структуравий тузилишининг кенгайиши.

Маълум компонентнинг олмош ва ажратилган бўлакнинг от шаклида ифодаланиши: Биринчи гуруҳга кирувчи иловали элементларга хос бўлган хусусият- бу маълум компонентнинг олмош шаклида ифодаланиши:

1. Sie sollte ihn herauswerfen, den frechen Hund
2. Vielleicht hätte ich sie rufen lassen, die Antje

3. Jetzt hatte er sie also, die Perle
4. Man darf sie nicht vergessen, diese Frauen
5. Er sah sie die Treppe hinunter gehen: Jutta und Jonas

1,2,3,4,5- рақамли мисолларда келтирилган иловали элементлар тузилишлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади: яъни ёлғиз (2,3,4) ва кенгайган (1,5) шаклларда ифодаланиб келган. Улар ўзларига хос оҳангга эга бўлиб, маълум гап бўлакларидан тўхтам билан ажралиб туради. Улар ўзларига хос маъновий вазифа бажариб келади. Бу вазифа маълум компонентлар томонидан билдириладиган маънони конкретлаштириш, тўлдириш, аниқлаш ва изохлашдан иборат. Иловали элементлар томонидан билдириладиган маъно маълум гап бўлакларининг маъносига нисбатан қўшимча ҳарактерга эга. Демак, иловали элементларга хос бўлган ва уларни маълум гап бўлакларидан доимо ажратиб турувчи омил бу қўшимча маънодир. Маълум гап бўлаклари билан иловали элементлар ўртасидаги синтактик алоқа кесимнинг умумийлиги билан ифодаланади. Иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятлар қуйидаги мисоллар таркибида ҳам маълум даражада такрорланиши ва тўлдирилиши мумкин.

6. Zu Poetters hatte er allerdings nur eine mitgebracht: Ulrike Lemke.
7. Durch die Sonnengläser sieht das Mädchen alles dunkelgrün, den Asphalt, die Häuser, die Leute an der Bushaltestelle.
8. Sie mußte alles verstecken, ihre Herkunft, ihre Armut, das Elternhaus, die Mutter, den unsichtbaren Makel.
9. Sie hatte alles in ihrer Tasche, Handtücher, sogar einen leichten Morgenrock.
10. Sie hatte alles zu betrachten, die sonderbaren Möbel, Bilder, Speisen, Menschen.

6,7,8,9,10-рақамли мисолларда намойиш этилган Für предлоги орқали ифодаланган иловали элементлар 1,2,3,4,5-рақамли мисоллардаги худди шундай иловали элементлардан фақатгина тузилиши жиҳатидан эмас, балки шу иловали элементларни ташқил қилувчи компонентлари билан ҳам фарқ қилиши мумкин. Бундай компонентларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида иловали элементлар функциясида кела олишлари мумкин. Иловали элементлар томонидан билдирилаётган қўшимча маъно маълум компонент бўлмиш “*alles*”-нинг ёки “*eine*”-нинг маъносини оддий равишда эмас, балки такрорий конкретлаштириб, тўлдириб ва изоҳлаб келмоқда. Иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири, бу иловали элементларни ташқил қилувчи компонентларнинг бир-бирларидан махсус тўхтаб билан ажратилганлиги ва шу компонентлар ёрдамида кенгайтирилганлигида (u,o,q) кўзатилади. Келтирилган мисоллардан маълум бўлишича иловали элементлар билан маълум гап бўлаклари ўртасидаги алоқалар фақатгина синтактик ҳарактерга эга бўлмасидан, улар бир-бирлари билан мазмуний жиҳатдан ҳам боғланганлар, демак, мазмуний ҳарактерга ҳам эга.

Ажратилган ва маълум бўлакларнинг от шаклида ифодаланиши:

1. Im Dezember 1935 bekam Anna einen zweiten Sohn, ein Sonntagskind
2. Dafür brachte Robinet manchmal seine Urenkelin mit, Marie-Sidonia
3. Herbert rief pflichtgemäss ein Vorstandsmitglied an, einen Zahnarzt
4. Später fand er die Pflegemutter, die Wilhelmine Obst in Berlin
5. Er sieht in der Tür den Fremden stehen, diesen Friedrich Kuntze

1,2,3,4,5-рақамли мисолларда намойиш қилинган Für предлоги орқали ифодаланган иловали элементлар шакилланиши жиҳатидан ўзлари бевосита алоқадор бўлган компонентларга нисбатан мос келади. Уларга

хос бўлган бундай мослик улар ўртасидаги аниқлик ва ноаниқлик муносабатлари билан ҳарактерланади. Масалан, 1,3- рақамли мисолларда ажратилган ва маълум бўлақлар аккумулятив келишигининг ноаниқ, 2,4,5- рақамли мисолларида эса аниқлик шакллари билан бошқарилади. Ажратилган ва маълум бўлган бўлақларга хос бўлган бундай мослик улар орасидаги синтактик алоқанинг кенгайишига олиб келади. Натижада улар орасидаги синтактик алоқалар фақат феъл-кесимнинг умумийлиги билангина эмас, балки уларга хос бўлган мослик орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бу ерда келтирилган иловали элементлар ҳам ўзи ифодаляйдиган мазмунни бўрттириб, уни маълум бўлақнинг маъносидан ажратиб кўрсатади, чунки улар томонидан маълум бўлақка нисбатан билдириляётган кўшимча маъно унинг мазмунини аниқляйди, тўлдиради, конкретлаштиради. Масалан, 5-рақамли мисолда маълум бўлақ функциясида келувчи *den Fremden* нинг маъноси «қандайдир бегона, нотаниш кишини» билдиради. Ажратилган бўлақ *diesen Friedrich Kunze* нинг маъноси билан «нотаниш» «танишга» айланади. Шунинг учун ҳам иловали элементлар томонидан билдириляётган кўшимча маъно доимо конкретлаштирилган ҳарактерга эга бўляди.

Иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятларни куйидаги мисоллар намунасида ҳам кўзатиш мумкин:

6. Ich bring dir einen Spanien-Kämpfer, einen erfahrenen Genossen (10, 49).

7. Damals, in Kossin, hatte er einen winzigen Lehrling, einen richtigen Däumling

8. Sie brachte Post mit, Nachrichten aus der äusseren Welt

9. In Brescia traf Margarete zum erstenmal den Prinzen Karl, Johannes ältesten Sohn

10. Sie müssten Abschied feiern, den Abschied vor einem Neubeginn

6,7,8,9,10- рақамли мисолларда келтирилган Für предлоги орқали ифодаланган иловали элементлар худди шундай бўлақларнинг асосий компонентига нисбатан ёлғиз ёки кенгайтирилган ҳолатда келишини намойиш этмоқда. Уларнинг структурасини кенгайтиришда кўпинча мослашадиган ва мослашмайдиган аниқловчилар қўлланилади. Масалан, 6,7- рақамли мисоллардаги Für предлоги орқали ифодаланган иловали элементлар аниқловчиларнинг мослашадиган шакли билан, 8,9,10- рақамли мисоллардаги иловали элементлар эса, мослашмайдиган шакллари билан кенгайтирилган. Ажратилган аниқловчилар маълум компонентларга нисбатан қанча кенгайтирилса, уларнинг қўшимча маъно функцияси шунча таъсирли, ифодали, солмоқли бўлади, чунки улар орқали мазмуннинг белгиси ифодаланади. Ажратилган компонентлар билан маълум бўлақлар бир-бирларига нисбатан жуда ҳам яқин мосафада туриб, улар ўртасидаги синтактик алоқалар феълларнинг бошқарув йўли билан амалга оширилади.

Für предлоги орқали ифодаланган иловали элементларнинг структуравий тузилишининг кенгайтиришида кўмакчили тўлдирувчилар ҳам иштирок этиши мумкин.

11. Mit einem halben Lächeln schob der Margraf dem Freund ein Schriftstück hin: einen Haftbefehl für Volkmar von Burgstall

12. Es gab schon andere Kettenläden: große Geschäfte mit guten Bankverbindungen

11,12-рақамли мисолларда келтирилган Für предлоги орқали ифодаланган иловали элементлар юқорида таъкидланган худди шундай компонентларга ўхшасада, бироқ улардан фарқ қилувчи хусусиятларга ҳам эга: **биринчидан**, улар ажратилган оҳанг билан талаффуз қилинади

ва бошқа гап бўлакларидан тўхтам билан ажралади, тўхтам функциясида одатдагидек вергул эмас, балки «икки нуқта» келади. Демак, иловали элементлар маълум бўлаклардан доимо вергул билан эмас, балки икки нуқта ва тире ёрдамида ҳам ажралиши мумкин экан; **иккинчидан**, иловали элементлар ва маълум компонентлар контекстуал синонимлар ва синонимлар ёрдамида ҳосил бўлган, 11-рақамли мисҳолдаги **Haftbefehl** компоненти **ein Schriftstück** га нисбатан контекстуал синоним функциясида келса; 12-рақамли мисҳолдаги ажратилган бўлак **Geschäfte** сўзи маълум бўлак таркибидаги **Kettenläden** кўшма сўзнинг охирги қисмидаги **Läden** га нисбатан синоним. Демак, иловали элементларнинг юзага келишида синонимлик хусусиятларига эга бўлган сўз ва сўз бирикмалари ҳам иштирок этиши мумкин экан. Бундай характерга эга бўлган иловали элементлар стилистик нуқтаи назардан алоҳида таъкидланиши лозим.

Баъзи ҳолларда иловали элементларни кенгайтиришда иштирок этувчи гап бўлаклари ажратилган бўлакка нисбатан ажралиши мумкин. Масалан:

13. Er liess seine Söhne kommen, den ältesten Karl, den jüngsten Johann

Демак, бу ерда иловали элементларни изоҳлашда иштирок этувчи **den älteren, den jüngeren** каби аниқловчиларнинг аниқланмиш компоненти функциясида келувчи **Karl, Johann** ларга нисбатан махсус тўхтам билан ажралиши иловали элементларга хос яна бир хусусиятни ифодалайди, бундай аниқловчилар ажратилган компонентлар таркибида бошқа бир муҳим коммуникатив бирлик бўлишини талаб қилмоқда, ана шундай коммуникатив ядро бу **Sohn** бўлиши керак. Шу **Sohn** бу ерда бўлмаса ҳам, лекин аниқловчилардан кейин « , » нинг қўйилиши унинг борлигини алоҳида таъкидламоқда. Демак, махсус тўхтам хусусиятига эга бўлган « , »

вергул, ҳақиқатдан ҳам *Sohn* компонентининг қатнашаётганлиги контекстуал омил орқали ифодаланиб келмоқда, бу омил функциясида *seine Söhne* маълум компонент келмоқда. Умуман олганда, иловали элементлар матн доирасида ҳар хил шаклланиш хусусиятига эга. Масалан:

14. Hätte man ihm Feldern gepfändet, Weinberge, ein Dorf, eine Pfelege

15. Er las ihr aus seinen Tagebüchern vor, Jagdgeschichten, Erlebnisse
aus der Studentenzeit

16. Ich habe Jean-Jacques gesehen, den Bürger von Genf, den Größten
unten den Lebenden

17. Nachmittags bekam Anna Besuch, einen breitschultrigen Mann mit
schlenkrigen Schritt, einen Jugendfreund Willibald, Chef auf einem Frachter

18. Er hatte Angelas Eltern besucht, ihre Freunde und Genossen, die
Kollegen von der Universität

14,15,16,17,18 - рақамли мисолларда намоиш этилган Für предлоги орқали ифодаланган иловали элементлар юқорида келтирилган худди шундай иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни оддийгина такрорлаб қолмасдан, уларга хос бўлмаган хусусиятларни ҳам изоҳлаш учун омил бўлмоқда. Уларга хос бўлган хусусиятлар қуйидагича: структуравий тузилишларини кенгайтиришда уюшиқ бўлакли гаплар иштирок этмоқда: 15-рақамли мисолда ажратилган компонентлар ўз антецедентига эга эмас, шунинг учун улар бутун маълум гапнинг мазмунини изоҳлаб келади; иловали элементлар маълум компонентларга нисбатан икки хил усулда бириккан: параллел ва кетма-кет. Параллел бирикиш -бу иловали элементлар сони бирдан ошса маълум компонентга параллел равишда бирикади, яъни ҳар бир ажратилган бўлак мустақил ҳолда (14,15,16). Бироқ айрим ҳолларда, агар иловали элементларнинг

сони иккидан ошса, улардан бири иккинчисиз антецедентга бирика олмайди, натижада улар орасидаги кетма-кет бирикиш содир бўлади. Ушбу ҳолат 17,18-рақамли мисоллар таркибида ўз ифодасини топади. Жумладан, 17-рақамли мисолдаги учинчи ажратилган компонент ***Chef auf einem Frachter*** нинг юзага келишида иккинчи ажратилган компонент ***einem Jugendfreund Willibald*** сабабчи бўлади. Ҳудди шундай ҳолатни 18-рақамли мисол таркибида ҳам кўзатиш мумкин. Бу ерда ҳам иккинчи ажратилган компонент биринчисининг мазмунини аниқлаш учун юзага келади. Уларга хос бўлган бундай хусусиятларни изоҳлаб беришда Ж. Бўроновнинг «Гапнинг ички ва юзаки структуралари»¹ ҳақидаги илмий концепцияси яқиндан ёрдам беради, чунки ҳар қандай гап турини аниқлашда ёки унга хос хусусиятларни изоҳлаб беришда» дескриптив лингвистикада қўлланувчи ички структура гапдан англашилган маънони, юзаки структура эса гапнинг ташқи формал тузилишини ифодалайди», деб аталувчи тезисидан унумли фойдаланмоқ керак.

3.2. Иловали элементларнинг матнда ифодаланиши

Матнлар устида олиб борган кўзатишларимиз баъзи иловали элементларнинг маълум бўлакка нисбатан ўрта ҳолатда туриши ҳам мумкинлигини исботламоқда.

1. Er erwartete Herta Fürth, sein Mädel, am Sonntag (10, 364).
2. Ihren Gemahl, den Prinzen Johann, sah sie nicht sehr oft (3, 43).
3. Corinna hatte ihn, den Bruder, belehren wollen (9, 30).
4. Einen von ihnen, einen Foxterier, nannte sie Smiles (1, 30).
5. Noch vor der Sezierung führte Monsieur de Girardin die beiden nächsten Freunde Jean-Jacques Lebegue und Ducis, an das Totenbett (2, 158).

1,2,3,4,5- рақамли мисолларда намоёниш этилган Für предлоги орқали ифодаланган ажратилган компонентлар ҳам ўзлари бевосита алоқада бўлган антецедентларга нисбатан ёнма-ён турибди. Уларга хос бўлган хусусият - бу уларнинг ана шу антецедентларга нисбатан ўрта ҳолатда, яъни позицияларда келиши.

Бизнинг бу ерда маълум бўлакка нисбатан антецедент тушунчасини қўлланишимизга сабаб, ушбу терминологик тушунча Ю.С. Морару томонидан иловали унсурларга нисбатан биринчи марта қўлланилган. У испан тили материаллари асосида илова ҳодисанинг ажралмас қисми ҳисобланмиш иловали унсурларга нисбатан ана шу антецедент тушунчасини қўллаб, унинг ёрдамида ҳосил бўлган иловали унсурларни антецедентли иловали унсурлар ёки ушбу тушунчанинг маъновий талаби билан юзага келган иловали унсурлар деб атаган.¹ Биз ҳам антецедент тушунчасини Ю.С. Морарунинг илмий ишларидан олиб, бу ерда маълум компонентга нисбатан қўлладик, чунки

¹ Морару Ю. С. Присоединительные конструкции семантического исследования с антецедентом глагольного типа. Сб.: Прагматико-функциональное исследование языков. – Кишинев: «Штиинца», 1987, -С. 58- 63.

илова ҳодисаси билан илова ҳодисаси ўртасида кўп жиҳатдан ўхшашликлар мавжуд. Уларга хос бўлган ўхшашликлар иловали элементлар билан иловали унсурлар . томонидан бажарилаётган функцияларда ўз ифодасини топади. Масалан, ажратилган гап бўлаги маълум компонентга нисбатан «қўшимча» маъно англатиб келса, иловали унсур эса асосий ифодага нисбатан худди шундай функцияни бажаради ёки ажратилган бўлак маълум бўлакнинг мазмунини тўлдириб, конкретлаштириб, изоҳлоб келса, иловали унсур эса асосий ифоданинг мазмунини ана шундай белгилар орқали ифодалайди; ажратилган гап бўлаги стилистик ҳодиса бўлса, иловали унсурлар ҳам стилистик ҳодисадир, чунки уларнинг ёйилиш даражаси у ёки бу ёзувчининг индивидуал услуби билан белгиланди. Бу иккала ҳодиса Б.Т. Турсуновнинг таъкидлашича «бир-биридан икки хил усул билан фарқ қилади: биринчидан, интонацияси билан; иккинчидан, ўзлари бевосита боғлиқ бўлган компонентларда тутган позициялари билан. Иловали унсурларнинг интонацияси ўзилиш ҳарактерига эга бўлиб, у ёзма нутқда асосий ифодадан «нукта» тиниш белгиси ёрдамида ажралади. Иловали элементларнинг интонацияси ажратилиш ҳарактерига эга, яъни у маълум бўлакдан ёзма нутқда вергул, тире ёки икки нукта билан ажралади. Иловали унсурлар асосий ифодага нисбатан фақат постпозиция ҳолатида туради, ажратилган бўлак эса маълум бўлакка нисбатан турли хил позициялардатуришимумкин»¹ Демак, бу иккала ҳодисанинг бир-бирига ўхшашлик томонлари бўлсада, бир-биридан фарқ қилувчи томонлари ҳам мавжуд экан. Шунинг учун ҳам бу ҳодисаларининг ҳар бири у ёки бу илмий-таъдқиқот ишларининг текшириш объекти сифатида ўрганилмоқда (Ахмедова Б.М.,1998, М. Бегматов, 1999).

¹ Турсунов Б. Т. Ягона синтактик категория остида. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 16-17-ноябр 2000-йил). –Самарқанд: СамДЧТИ. 2000. –б. 10-14.

Биз бу ерда юқорида таҳлил қилинаётган мисолларга нисбатан кўлланилаётган «антецедент» терминологик тушунчасининг лингвистик моҳиятини изоҳлаб бериш мақсадида, қисқа ҳолда, уларнинг баъзи бир ўхшашлик аломатларига мурожаат қилдик ва уларнинг ўхшашликларини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Демак, 1,2,3,4,5-рақамли мисолларда келтирилган иловали элементлар ҳам маълум бўлакларнинг, яъни антецедентларнинг маъновий талаблари билан ҳосил бўлган. Ўз-ўзидан маълумки, фақатгина ажратилган бўлакларнинг мазмуни ёрдамида бутун бир гапнинг мазмуни конкретлаштирилиши мумкин ҳолос. Масалан 3-рақамли мисолда маълум бўлак, яъни антецедент функциясида кишилик олмошининг аккузатив шакли *ihn* келаяпти, демак номаълум шахс, унга нисбатан *den Bruder* нинг ажратилган бўлак функциясида келиши натижасида ноаниқлик аниқликка айланади.

. Гап таркибида мавжуд бўлган ана шундай ноаниқликларга бартараф бериш мақсадида ҳар хил аниқлик фигуралари киритилади, улардан бири - бу иловали элементларнинг ўзгинасидир.

Демак, иловали элементларнинг асосий функцияси маълум бўлакнинг мазмунини конкретлаштиради ва аниқлайди:

6. Der hinderte ihn, den guten christlichen Finanzmann, am Geschäft

7. Er hatte frühe Erfahrungen hinter sich, wilde kurze, wüste, trübe, enttäuschende Erlebnisse, eines hier auf dem Lande, eines in Paris

6,7- рақамли мисолларда намоёниш этилган иловали элементларга ҳос бўлган хусусиятлардан яъна бири-бу уларнинг структуравий тузилишининг ниҳоятда кенгайишидир. Демак, структуравий кенгайиш улар томонидан маълум бўлакка нисбатан билдирила-ётган қўшимча маъно салмоғининг кенгайишига олиб келади. Маъно кенгайиши ўз навбатида тасвирланаётган ҳодисани ниҳоятда конкретлаштиради.

Ушбу мисоллар таркибида маълум бўлақлар билан иловали элементлар ўртасидаги синтактик алоқа феъл-кесимнинг умумийлиги ва бошқарувчанлиги билан амалга ошади.

Иловали элементларнинг боғловчилар билан ифодаланиб келиши: Агарда иловали элементлар олдида боғловчилар келса, у ҳолда , бир томондан, маълум бўлақлар билан иловали элементлар орасидаги синтактик алоқа воситасининг доираси кенгайса, иккинчи томондан, иловали элементлар томонидан маълум бўлақка нисбатан билдираётган кўшимча маънонинг характери ўзгаради. Ушбу ҳолатларни қуйидаги мисоллар таҳлилида кўзатиш мумкин.

1. Offiziere liess sie zu diesen Zusammenkünften selten zu, auch nicht Martin Ritter, nicht einmal ihren Mann, den General

2. Er hatte viele Gegenden kennengelernt, und Arbeitsplätze und Menschen

3. Fünf Kinder hat er, Zwillinge dabei

4. Milch hat die Jutta nicht mitnehmen können, und einen Spirituskocher auch nicht

5. Er hatte nicht nur Gepäck und Süßigkeiten mitgebracht, sondern auch eine Packung Briefpapier, feines blaugraues Briefpapier

Энди 1,2,3,4,5-рақамли мисолларда келтирилган Für предлоги орқали ифодаланган ажратилган компонентлар намунасида уларнинг қолган худди шундай иловали элементлардан фарқ қилдирувчи хусусиятларини изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Ўз-ўзидан маълумки, бу ерда изоҳланаётган ажратилган компонентлар бир-бирларига хос бўлган хусусиятларни маълум даражада такрорлаши, тўлдириши билан бир қаторда, улардан фарқ қилувчи хусусиятларга ҳам эга бўлади. Уларнинг ана шу

хусусиятларини 1,2,3,4,5-рақамли мисоллар таҳлилида кўрсатишга ҳаракат қиламиз. 1,2,3,4,5-рақамли мисолларда келтирилган иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан бири бу ажратилган компонентларнинг маълум компонентларга нисбатан ўзоқроқ масофада туришидир. Бироқ бундай масофа уларнинг ажратилган компонентлар функциясида келишига ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди, аксинча, ажратилган компонентларнинг худди шундай алоҳида олинган мустақил компонент сифатида келишига имконият яратади. Демак, ажратилган компонентлар юқорида таъкидлаганимиздек, ўз мустақил мантикий урғусига, ўзига хос оҳангига, ўзига хос маъновий вазифасига, ўзига хос тўхтамига эга бўлиши билан бир қаторда нисбий мустақилликка ҳам эга бўлади. Агар иловали элементлар, бу ерда таъкидлаганимиздек, маълум компонентга нисбатан қанчалик ўзоқроқ турса, (1,2,3,4) у ҳолда уларнинг нисбий мустақиллиги шунчалик кучаяди. 1,2,3,4,5-рақамли мисолларда кўрсатиб ўтилган ажратилган компонентларга хос бўлган яна бир хусусият - бу уларнинг боғловчилар билан биргаликда ифодаланиб келишидир. Боғловчилар ҳам уларнинг маълум компонентларга нисбатан тутган синтактик муносабатларига ўз таъсирини кўрсатади. Натижада улар орасидаги синтактик алоқа воситаси икки томонлама ифодаланади: **биринчидан**, кесимнинг умумийлиги билан: **иккинчидан**, эса улар олдида келган боғловчилар ёрдамида. Боғловчилар иловали элементларнинг синтактик алоқа воситасига таъсир кўрсатибгина қолмасдан, шу билан бирга, улар томонидан маълум компонентга билдирилаётган қўшимча мазмун ҳажмининг кенгайишига ҳам таъсир кўрсатади. 1,2,3,4,5-рақамли мисолларда келтирилган ажратилган компонентларга хос бўлган яна бир хусусиятни 5-рақамли мисолдаги ажратилган бўлак намунасида изоҳлаб кўрамиз. Одатда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ажратилган компонентлар антецедентларнинг

маъновий талаблари билан юзага келади. Бироқ бундай талабларнинг доираси ҳам кенгайиши ва уларнинг кенгайишига шу маълум компонентлар таркибида келувчи баъзи бир сўзлар таъсир қилиши мумкин экан. Ана шундай таъсир қилувчи сўзлар функциясида 5-рақамли мисоллардаги *nur* юкламаси ифодаланиб келмоқда. *Nur* юкламаси ушбу ажратилган бўлакнинг юзага келишига маълум даражада таъсир қилмоқда.

Ажратилган Für предлоги орқали ифодаланган компонентларнинг маълум бўлакларга нисбатан кенгайиши: Für предлоги орқали ифодаланган иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири - уларнинг структуравий тузилишини маълум бўлакка нисбатан ниҳоятда кенгайтирилишидир. Уларга хос бўлган бундай хусусиятларни қуйидаги мисоллар намунасида кўзатиш мумкин.

1. Er hatte Jean-Jaques sehr gern gehabt, diesen armen, hilflosen, bis in sein Alter kindlichen Menschen mit seinem gewaltigen Hirn, seinem großen Herzen, seinen schwachen Augen und seinen Gebrechen

2. Er nannte sich Margraf zu Bradenburg und zu Lausitz, des Heiligen Römischen Reichs Oberster Kümmerer, Pfalzgraf bei Rhein, Herzog in Bayern und in Kärnten, Graf zu Tirol und zu Görz, Vogt der Gotteshäuser Agley, Trient und Bruxen

3. In der Werkstatt fertigte Anna mit Hilfe der Kinder Geschenkartikel an, Weinachtskrippen, Rauschgoldenengel, geschnitzte und gebrechelte Puppen, Kinderspielzeug, Kasperletheater mit Kulissen, Holzteller, kleine Truhen

1,2,3-рақамли мисолларда намоёниш қилинган Für предлоги орқали ифодаланган иловали элементларга хос, лекин уларнинг юқорида такрорланмаган яна бир синтактик хусусияти тўғрисида бу ерда фикр

юрйтиш, уни алоҳида таъкидлаш, ўринли деб ҳисоблаймиз. Иловали элементлар бу ўз табиатига кўра содда гапларнинг таркибида келиб, унинг структурасини мураккаблаштирувчи воситалардир. Ҳақиқатдан ҳам шундай эканлигини, биз юқорида келтирилган мисоллар намунасида кўзатдик. Иловали элементлар содда гап структурасини мураккаблаштирувчи восита сифатида якка ҳолда ёки кенгайган ҳолда келиши мумкин. Бироқ уларнинг кенгайиш даражасини ҳар қандай содда гап структурасининг кенгайиш ҳолатидан ҳам устун туришини 1,2,3-рақамли мисолларда кўриш мумкин. Иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятларга таянган ҳолда, шу нарсани алоҳида таъкидлашимиз лозимки, иловали элементлар фақатгина содда гапларнинг структурасини мураккаблаштирувчи восита сифатидагина эмас, балки ўз-ўзини ҳам мураккаблаштирувчи восита сифатида қўлланиши мумкин экан. Натижада иловали элементларнинг маъно хусусиятлари ҳам маълум бўлақларининг, шунингдек, бутун содда гапларнинг маъно хусусиятларига қараганда устунроқ, ҳал қилувчи омилга айланади. Демак, бундай структуравий кенгайишга эга бўлган иловали элементларнинг маъноси, мазмуни биринчи даражали, содда гапларнинг мазмуни эса иккинчи даражали бўлиб қолгандек туюлади. Иловали элементларга хос бўлган бундай ҳолатни таъкидлаш мақсадида В.Г. Адмонинг қуйидаги фикрини бу ерда келтириш ўринли деб ҳисоблаймиз: «Эргаш гапларга хос бўлган грамматик тобелик, уларнинг маъновий тобелигини билдирмайди. Аксинча, эргашган қўшма гаплар таркибида эргаш гапларнинг бош гапга нисбатан билдириб келаётган маъно хусусиятлари асосий ва етакчи характерга эга бўлади, бундай вақтларда бош гаплар иккинчи даражали ёки ёрдамчи воситаларга айланиб қолади».

Ушбу тезисга асосланган ҳолда шу нарсани бу ерда алоҳида таъкидлаш лозимки, иловали элементларнинг маълум бўлақларга нисбатан

билдириб келаётган қўшимча маъно хусусиятлари ҳам кўп ҳолларда асосий ва ҳал қилувчи ҳарактерга эга бўлади. Сабаб, иловали элементларнинг маъно хусусияти ёрдамида маълум бўлақларнинг маъно хусусиятлари фақатгина конкретлаштирилмай, балки у қайтадан тўлдирилади, аниқланади ва изоҳланади. Шунинг учун иловали элементларнинг маъноси В.Г. Адмони таъкидлаганидек, ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ушбу ҳолатнинг тасдиғи сифатида қуйидаги мисол таҳлиliga эътибор берайлик:

4. Nach dem Rat ihrer Minister und der Repräsentanten des Volkes überantworte sie daher ihre würdigen und edeln Grafschaften zu Tirol und zu Görz, die Lande und Gegenden an der Etsch und das Inntal mit der Burg zu Tirol und
mit allen anderen Burgen, Klausen, Städten, Tälern, Gebirgen, Märkten, Dörfern, Weilern, Lehen, Höfen, Vogteien, Gerichten, Münzen, Mauten, Zehenten, Zöllen, Zinsen, Steuern, Gefällen, Gehölzen, Gefinden, Wäldern, Huben, Weingärten, Äckern, Seen, fliessenden Wassern, Fischteichen, Wildbahnen, kurz ihr ganzes väterliches Erbe ihren lieben Vettern und nächsten Anverwandten, den Herzogen von Österreich

4-рақамли мисҳолда намоиш этилган ажратилган компонент 1,2,3-рақамли мисолларда келтирилган худди шундай компонентларнинг структуравий давомчиси сифатида юзага келиб, бир қатор хусусиятларга эга: биринчидан, у структуравий жиҳатдан ниҳоятда мураккаблашган ажратилган бўлақ, унинг структуравий тузилиши ҳар қандай қўшма гапларнинг структуравий тузилишидан ҳам мураккаброқ; иккинчидан, ажратилган бўлақ функциясида келувчи компонентларнинг коммуникатив функциялари икки хил ҳарактерга эга: бир томондан улар маълум компонент функциясида келувчи **“ihre würdigen und edelen Grafschaften zu Tirol und zu Görz”** нинг маъно хусусиятларини ниҳоятда

конкретлаштирса, иккинчи томондан эса, конкретлаштирувчи унсурларга хос бўлган бундай маънолар охирги ажратилган бўлак, яъни *kurz ihr ganz väterliches Erbe ihren lieben Vettern und nächsten Anverwandten* - ёрдамида умумлаштиради. Демак, иловали элементлар ўз табиатига кўра маълум компонентларнинг маъносини конкретлаштириб, изоҳлаб, тўлдириб, аниқлаб келишлари билан бир қаторда, баъзи ҳолларда умумлаштириб ҳам келиши мумкин. Бу хил структуравий композицияга эга бўлган иловали элементлар билан маълум бўлаклар орасидаги синтактик алоқалар ҳам икки томонлама ифодаланади: синтактик воситалар ҳамда мазмуний муносабатлар ёрдамида.

Демак, 1,2,3,4-рақамли мисолларда келтирилган содда гаплар таркибидан трансформацион метод ёрдамида иловали элементларни чиқариб ташласак у ҳолда содда гапларнинг структуравий тузилишлари куйидагича кўринишга эга бўлади:

1. Er hatte Jean-Jaques sehr gerne gehabt.
2. Er nannte sich Margraf zu Bradenburg und zu Lausitz.
3. In der Werkstatt fertigte Anna mit Hilfe der Kinder Geschenkartikel an.
4. Nach dem Rat ihrer Minister und der Repräsentanten des Volkes überantwortete sie daher ihre würdigen und edeln Grafschaften zu Tirol und zu Görz den Herzogen von Österreich.

Бу ерда иловали элементлардан озод бўлган содда гаплар намоёиш этилди. Ўз-ўзидан маълумки, иловали элементларсиз келувчи содда гаплар структуравий жиҳатдан ҳам ҳархил кўринишга эга бўлар экан. Биз юқорида келтирилган содда гапларни одатдаги ҳолатларига қайтаришда, биринчидан, трансформацион методнинг қонун-қоидаларига, иккинчидан эса, йирик тилшунос олим Н.Ю.Шведованинг куйидаги фикрига

асосланишни ўринли деб ҳисоблаймиз: «Гапнинг структуравий шаклланиши учун зарурий бўлган компонентларни аниқламасдан туриб, унинг кенгайтирувчи воситалари ва бу воситалар орасида мавжуд бўлган тобе алоқалар ва уларнинг ички табиати тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. (Н.Ю. Шведова, 1968, с.41)

III боб бўйича хулоса

маълум бўлакка ва иловали элементларга нисбатан бу ерда қўлланилаётган синтактик бирликларни эътиборга олган ҳолда, шунингдек, ишнинг биринчи, яъни назарийбобида тилшунос олимларнинг илова ҳодисасига нисбатан айтган фикр- мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда, илова ҳодисасига қуйидагича таъриф бериш мумкин (изоҳ): ўзининг нисбий мустақил мазмунига, семантик вазифасига, ўзига хос оҳангига, тўхтамига, шунингдек, мустақил мантикий урғусига эга бўлган, содда гапларнинг таркибида келиб, уларни мураккаб гапга айлантирувчи синтактик конструкциялар илова ҳодисаси деб аталади.

Тўғридан-тўғри аккумулятив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементлар, биз ўрганган матнлар доирасида ёйилиши жиҳатидан статистик маълумотларга кўра, биринчи ўринда туради, уларнинг сони wet та. Тўғридан-тўғри аккумулятив келишигида ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг миқдор жиҳатдан ҳудди шундай иловали элементларга нисбатан устун туриши, уларнинг хилма-хил структуравий шаклланишларига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам биз уларга хос бўлган структуравий тузилишларни қуйидаги майда-майда гуруҳларга бўлиб ўрганишни лозим деб топамиз: 1) маълум компонентнинг олмош ва ажратилган бўлакнинг от шаклида ифодаланиши; 2) ҳам маълум ва ҳам иловали элементларнинг от шаклида

ифодаланиши; 3) ажратилган бўлакнинг оралиқ позицияда келиши; 4) иловали элементларнинг боғловчилар билан келиши; 5) ажратилган бўлакнинг структуравий тузилишининг кенгайиши.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Аккузатив, датив ва генитив келишиклари шунингдек аккузатив, датив ҳамда генитив келишиklarини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг илова қурилма таркибида бажариб келаётган функцияларини таҳлил қилиш асосида қуйидагича хулосаларга келиш мумкин.

Аккузатив келишиги билан ифодапаниб келган иловали элементлар ўзларининг фақат тарқалиш даражасигагина эмас, балки турли шаклларда ифодапаниб келишлари билан датив ҳамда генитив келишиклари билан ифодаланиб келган иловали элементларга нисбатан ниҳоят даражада устун туради;

Датив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементлар ўзларининг кўп сонлилиги, шунингдек предлогларнинг иловали элементлар функциясида келишлиги билан аккузатив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементларга нисбатан анча устун туради;

Mit, für, von, bei, in предлоглари билан ифодаланиб келган иловали элементлар vor, zu, nach, aus, auf, über предлоглари билан ифодаланиб келган иловали элементларга нисбатан юқори поғонада туради;

Um, bis, außer-предлоглари билан ифодаланиб келган иловали элементлар жуда кам ёйилган иловали элементалардир;

Барча грамматик формада ифодаланиб келган иловали элементлар якка ёки кенгайтирилган ҳолда келиб, содда структуравий иловали элементлар ҳисобланади, чунки илова қурилма таркибида асосий ифодага бирикиб келувчи иловали элементларнинг сони биттадан ошмайди;

Иловали элементлар илова қурилма таркибида хилма-хил функцияларни бажариб келади; структуравий, маъновий, стилистик,

параллел ва кетма-кетлик функциялари;

Wegen-предлоги айрим холларда мобиллик характерига ҳам эга бўлади, яъни у ўзи бошқариб келаётган сўз ёки сўз бирикмасидан кейин ҳам туриши мумкин. Иловали элементга хос бўлган бундай мобиллик, унинг стилистик функциясини янада кучайтиради, натижада тасвирланаётган воқеа-ҳодисанинг таъсири кучаяди. Бундай холлар wegen-каби предлогларнинг ҳамма вақт ҳам бир жойда, яъни қоида талаб қилган жойда келмаслиги билан характерланади. Фикримизнинг исботи сифатида wegen-нинг иловали элемент таркибида кўлланилишига эътибор берайлик:

“Mindestens klang es im Radio wie ein Versprechen. Wir alle, wir haben wohl in den letzten zehn Jahren den Unterschied zu spüren bekommen zwischen Klängen und Tatsachen. Die Amerikaner, die sind nicht so töricht, zu vergessen, wie etwas geklungen hat, wenn ein Krieg nicht sehr weit war. Sie wollen jetzt keinen. Der Ostzone wegen. Die Russen gehen Ihre Zone nicht her”. (17,360).

Иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири унинг бутун бир катта матннинг якунловчи компонента сифатида келишидир. Ҳақиқатдан ҳам, иловали элементларнинг маъно хусусиятларига барча айтилган фикрларга якун ясагандай тартибда пайдо бўлади. -Wegen-нинг иловали элементнинг таркибида ўзи бошқариб келаётган сўздан кейин келиши эса иловали элементларнинг стилистик функциясини янада бойитади ва кенгайтиради.

Wegen-предлоги бошқа шаклларда ҳам ифодаланиб келиши мумкин ёки бошқача қилиб айтганда wegen- урнида келувчи предлоглар унга нисбатан синонимлик функциясини бажараолишлари мумкин. Жумладан:

Dann stand er auf, er sagte erregt: “sie ist geblieben sagst du. Wahrscheinlich deinethalben” (17,47).

Er wußte, sie war eine Fmhaufsteherin, konnte jeden Augenblick in die Tur treten. Um Himmels willen! (2,33).

Wegen-предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг функциялари trotz-предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг бажариб келаётган функциялари ёрдамида тўлдирилиши изоҳланиб келиши мумкин. Бу ҳолни қуйидагича мисоллар тахлилида кузатиш мумкин:

1. Und wissen sie auch, welche Aufgabe das Drosselventil hat.

Drosselventil. Josef wußte das. Trotz der Haare (15,222).

2. Sie fuhr ihm mit der Hand über die Stirn: Er schlief, Warm war er.

Trotz der regennassen Kleider warm. (6,259).

3. Thomas Helger kam ihm durchaus nicht sicher vor. Trotz der Streiche, mit denen der Bursche die letzte Zeit seinem Ruf geschadet hatte (17,315).

Генитив келишигини талаб қилувчи предлоглар сон жиҳатдан аккумулятив ва датив келишигини талаб қилувчи предлогларга нисбатан кўпроқ бўлишига қарамасдан, иловали элементлар функцияларида қўлланилиши жиҳатдан жуда ҳам паст даражага эга. Жумладан - während предлоги билан келувчи иловали элемент бир донани ташкил қилади холос.

Wahrscheinlich wieder eine Versammlung. Während der Arbeiterzeit. (18,227).

Генитив келишиги ва генитив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан келувчи иловали элементлар фақат биз ишлаб чиқан асарларда камроқ учраган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг кам ёйилганлиги тўғрисидаги бизнинг хулосаларимиз бу ерда шартли характерга эга.

Биз ишимизнинг ушбу қисмида генитив келишиги ва бу келишикни

талаб қилувчи предлоглар билан келувчи иловали элементларнинг баъзи бир структуравий, маъновий ва стилистик хусусиятларини 1,1 ва III - қисмларда таҳлил қилинган иловали элементларнинг худди шундай хусусиятларига қўшимча материал сифатида талқин этдик. Чунки бу иловали элементлар сон жихатдан камроқ бўлса-да, ўзларига хос бўлган ифодаланиш шакллариغا эга.

Уларнинг бу шакллари, иловали элементлар тўғрисида айтилагн фикр ва мулохазаларимизни янада тўлдиради, конкретлаштиради ва кенгайтиради деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

Илмий адабиётлар

1. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент: «Ўқитувчи», 1996. -247 б.
2. Адмони В. Г. Синтаксис современного немецкого языка. Л., 1973. -С. 366
3. Адмони В. Г. Пути развития грамматического строя в немецком языке. М., 1973. -С. 171
4. Ахмедова Б. М. Илова курилманинг баъзи бир структуравий хусусиятлари (Л. Фейхтвангер асарлари асосида). -Самарқанд: Сам ДУ. 1997. -53- б.
5. Ахмедова Б. М. К вопросу изучения порядка слов в современном немецком языке. Вестник, Каз ГУ. Серия филологическая №37.- Алматы, 2000. С. 56-57.
6. Бегматов М. Mit-предлоги билан келган тўлдирувчи иловали элемент. (Сам ДЧТИ профессор-ўқитувчиларининг II-илмий-назарий анжумани материаллари 1996 йил 27-29-май). -Самарқанд: СамДУ, 1996. 22- 23 б.
7. Бўронов Ж. Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1973. -284 б.
8. Бушуй А. М. Лингвистика текста и речевая деятельность. Матн ва унинг талқини. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 16-18-ноябр 2000 йил). -Самарқанд: СамДЧТИ, 2000. -б.20-29.
9. Бушуй А. М. Типология семантических корреляций в немецком и английском языках. «Олий мактабларда хорижий тилларни ўргатишнинг лингвистик ва услубий муаммолари» мавзусидаги республика илмий амалий конференция материаллари. Самарқанд: Сам ДАҚИ, 2002. –б.5-9.

10. Бушуй А.М., Зияева С. Ажратилган сўз бирикмаси немис тили синтактик сатҳда деривацион ходиса сифатида. Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим. -Самарқанд: СамДЧТИ, 2004, 3(12). -б. 9-19
11. Гжаниянц Э. М., Астапова Г. М. Сравнительно-сопоставительный анализ повтора в парцеллированных структурах английского и русского языков. Сб.: Семантико-стилистические исследования текста и предложения. Л.: Ленингр. гос. пед. ин-т., 1980. С. 31-38.
12. Гулыга Е. В. Теория сложноподчиненного предложения в современном немецком языке. -М., 1971. -206 с.
13. Йўлдошев Б. Матн ва синтактик қурилманинг ўзаро муносабатига доир. Систем-структур тилшунослик муаммолари Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Самарқанд, СамДЧТИ, 2010 й. - 29-31 б.\
14. Кунназаров Е. Лексико-семантическая структура глаголов действия в немецком и каракалпакском языках. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. филол. наук. -Баку, 1991. -18 с.
15. Маскопов Б. Ўзбек тилшунослигида илова конструкциялари масаласи. –Журнал: «Ўзбек тили ва адабиети», 1973, №6, 49-51-б.
16. Морару Ю. С. Присоединительные конструкции семантического исследования с антецедентом именного типа. В кн.: Теоретические и прикладные исследования по романским и германским языкам. – Кишинев: «Штиинца», 1985. -С. 78-80.
17. Морару Ю. С. Присоединительные конструкции семантического исследования с антецедентом глагольного типа. Сб.: Прагматико-функциональное исследование языков. –Кишинев: «Штиинца», 1987, -С. 58-63.
18. Мухамедова Д.А. Ўзбек тилида матн ва унинг таркибидаги парцелляция ходисаси ҳақида. Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. Илмий-назарий,

услужий журнал – Самарқанд. СамДУ нашри 2014й. 4-сон 96-99 б.

19.Расулова М.И. Соотношение мыслительных и лексических категорий в лингвистических исследованиях. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. (Самарқанд 2004 йил 26-27 ноябр). - Самарқанд: СамДЧТИ, 2004. -б. 182-184.

20.Рахимов С.Р. Проблема построения и понимания текста. Лингвистическая интерпретация специального текста и активизация обучения иноязычному общению. Материалы международной теоретической конференции (Самарқанд 28-30-сентября 1998 года). – Самарқанд: СамГУ. 1998. –С. 136-140.

21.Рўзикулов Ф.Ш. Предлогли гуруҳ инглиз тили гап компоненти сифатида. Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. Илмий-назарий, услубий журнал – Самарқанд. СамДУ нашр 2014й. 4-сон 127-130 б.

22.Саттаров М. Матн, унинг таркибий қисмлари ва бирлаштирувчи воситалари ҳақида. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 16-18-ноябр 2000-йил) -Самарқанд: Сам ДЧТИ. 2000. -б. 138-142.

23.Содиқова Н.Ғ. Эга предлоглар орқали ифодаланган иловали элементлар функциясида. Тил системаси ва ҳозирги замон лингводидактикаси. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Самарқанд, СамДЧТИ, 2011,-160-162 б.

24.Турсунов Б. Т., Сафаров Ш. С. Присоединение второстепенных членов предложения. Вестник КазГУ. Серия филологическая №27 -Алматы 2000. -С.90-91.

25.Турсунов Б. Т. Ягона синтактик категория остида. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 16-17-ноябр 2000-йил). – Самарқанд: СамДЧТИ. 2000. –б. 10-14.

- 26.Турсунов Б. Т. Союзные присоединяемые элементы подлежащего. Проблемы билингвизма и интерференции. Материалы международной конференции. -Ташкент, 2001, С.119-122.
- 27.Шакурова Н. Ҳозирги замон инглиз тилида “by” предлогли бирикмаларнинг функцияси. Тил системаси ва ҳозирги замон лингводидактикаси. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Самарканд, СамДЧТИ, 2011,-181-183 б.
- 28.Эрдонов З. Инглиз тилида иловали конструкцияларнинг ўзига хос хусусиятлари. Тил тизими ва нутқий мулоқот. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарканд, СамДЧТИ, 2010 йил. -250-251 б.
- 29.Admoni W. Der deutsche Sprachbau. М.,- Л.,1966. – 284 S.
- 30.Arssenjewa M. G. u.a. Grammatik der deutschen Sprache М., 1960. -436 S.
- 31.Gulyga E.W., Nathanson M.D. Syntax der deutschen Gegenwartssprache М., L., 1966. -226 S.
32. Jung W. Grammatik der deutschen Sprache. VEB Bibliographisches Institut Leipzig -1967. -518 S.

Фойдаланилган бадий адабиётлар рўйхати

1. Brecht Bertolt. Dreigroschenromam. Aufbau- Verlag, Berlin und Weimar 1968. - 492 S.
2. Feuchtwanger Lion. Narrenweisheit oder Tod und Verklärung des Jean-Jaques Rousseau. Aufbau - Verlag, Berlin, 1953. - 442 S.
3. Feuchtwanger Lion. Die häßliche Herzogin Margarete Maultasch. Aufbau - Verlag, Berlin, 1954. - 310 S.
4. Feuchtwanger Lion. Die Brüder Lautensack.Greifenverlag zu Rudolstadt. 1956, - 346 S.
5. Flegel W. Ein Katzensprung. Militärverlag, Berlin, 1976, - 251 S.

6. Hörnig Ursula. Palermo und die himmelblauen Höschen. VEB Hinstorff Verlag Rostock, 1972. - 186 S.
7. Kayser Barbara. Sie nannten sie Anna. Anna und ihre Kinder. Printed in Great Britain November, 1991. - 624 S.
8. Kellerman Bernhard. Totentanz. Verlag Neues Leben, Berlin. 1981. –380 S.
9. Kraft Ruth. Unruhiger Sommer. Verlag der Nation Berlin, 1985. – 350 S.
10. Seghers Anna. Die Entscheidung. Aufbau- Verlag Berlin, 1963. – 597 S.
11. Steinberg Werner. Als die Uhren stehenblieben. Mitteldeutscher Verlag, Halle-Leipzig, 1960. - 463 S.

Интернет манбалари

mail:disert@list.ru

mail:disertant@mail.ru

mail:info@disserr.ru

www.all-referats.ru

www.bankrabort.com

www.dissforall.com

www.ref.uz

www.nauka-shop.com

www.google.de